Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan

№17 (271) 2002-yil 1-may

"Ҳуррият" сизники,
Сиз ҲУРРИЯТники бўлинг!
Газетамизга обуна давом этмоқда.
Нашр кўрсаткичимиз:
Якка обуначилар учун — 233, ташкилотлар учун — 234.

Конференция

ПАРЛАМЕНТ ИСЛОҲОТИДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ



30 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Конрад Аденауэр жамғармаси ташаббуси билан Европа давлатлари бирлашуви намунаси ва парламент ислоҳотида хориж тажрибасига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Европа парламентлари аъзолари, сиёсатчилар, элчилар, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мазкур конференцияда Ўзбекистонда парламент ислоҳотларини ўтказишдаги янги вазифалар, Европа парламенти ваколатлари, миллий парламентлар билан ҳамкорлик, сиёсий, молиявий ва иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда Европарламентнинг ўрни, Европа жамоавий хавфсизлик тизими инқирози ва унинг оқибатлари, Марказий Осиё давлат раҳбарларининг 2001 йил 28 декабрдаги Тошкент баёнотидаги ҳамкорликка сиёсий даъват билан боғлиқ турли мавзуларда маърузалар тингланди.

Ушбу конференция К.Аденауэр жамғармасининг мамлакатимиз вилоятларида 2 йилдан буён ўтказиб келаётган Парламент ислоҳотига бағишланган семинарларининг мантиқий давомидир. Ўзбекистон Президентининг парламентни ислоҳ қилиш ва икки палатали парламентга ўтиш ҳақидаги ғояларига асосланган ушбу анжуманларни ўтказишда Ўзбекистон Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази ҳам доимий кўмак берди.

Тадбир

ЯШИЛ СИЁСАТ ЭҲТИЁЖИ



АҚШ элчихонаси ва Табиий ресурслар бошқарувини такомиллаштириш ЮСАИД лойиҳаси ҳамкорлигида Миллий матбуот марказида "Ер куни"га бағишлаб ўтказилган анжуманда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича маҳаллий ва хорижий мутахассислар республикадаги экологик вазиятга баҳо бериб, Орол денгизи ҳамда сувсизлик каби асосий масалаларни муҳокама қилишди.

Вашингтон давлат университетидан ташриф буюрган Берри Грин нутқ сўзлаб, экологик муаммоларни ечишда жамоатчилик иштирокига алоҳида урғу берди.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси экология-юридик бўлими бошлиғи Темур Тиллаев экологияга оид қонунлар ишлаётганлигини айтди.

Қўмита вакили йиғилганларни республикадаги экологияга оид қонунлар қабул қиладиган органлар билан таништириб, қонунбузарлик ҳолатлари бўйича ҳар йили 9-11 минг киши жавобгарликка тортилишини таъкидлади.

Анжуман давомида экологик масалаларга оид қисқа ҳужжатли фильмлар ҳам намойиш этилди.

Тошкент ва Жиззах вилоятлари бўйича фаолият юритаётган "Армон" ҳуқуқий-экологик маркази директори Дилбар Зайнутдинованинг айтишича, Чорвоқ сув омбори соҳилида жойлашган Бурчмуллада 10-15 йил олдин кўмилган висмут ва мышьяк моддалари таъсирида аҳолининг талай қисми тери касалликларига чалинган.

Йиғилишда Чегара билмас шифокорлар халқаро ташкилоти мутахассиси Антони Колб Орол муаммоси ҳақида сўз юритиб, минтақада аҳоли миграциясига оид тор доирада ўтказган тадқиқот натижалари билан таништирди. Колб сил касаллиги авж олган 20-30 ёшли кишиларнинг кўпчилиги иқтисодий сабабларга кўра Нукус ва бошқа шаҳарларга кўчиши ва маҳаллий ҳукумат эътиборидан четда қолиши хавфини туғдиришини айтди.

ЮСАИД ҳомийлигидаги Табиий ресурслар бошқарувини такомиллаштириш лойиҳаси мутахассислари сувдан оқилона фойдаланиш ва уни тежаш мақсадида Андижондаги Пахтаобод каналида дастлабки экспериментал лойиҳасини амалга оширмоқда. Анжуманда қатнашган ташкилот вакили Жон Бакстернинг айтишича, қишлоқ хўжалигида 50 фоиз сув беҳуда сарфланмоқда.

Халқаро ахборот маркази директори Генри Дейл таклифига кўра, республикада узоқ муддатли истиқбол режаси билан шуғулланувчи мустақил ташкилот тузиш лозим. Ўзбекистонда фаолият юритадиган хорижий ташкилотларнинг техник ёрдами, семинарлари ва намойиш лойиҳалари ёшларга ўргатилиши ва сув хўжалиги соҳасида талабалар ҳамда тадқиқотчилар малакаларини ошириш учун грантлар ажратилиши керак.

Тадбирда йиғилганлар экологик муаммоларни бартараф этишда маҳаллий ва хорижий нодавлат ташкилотлари фаолияти ва ҳисоботидан воқиф бўлдилар.

Дилнора АЗИМОВА

УШБУ СОНДА:

"МАКТАБ БИНОСИДА ЯШАЯПМИЗ"
МАКТУБЛАР — ГАЗЕТА СУЯНЧИ 2

ОАВ ЭРКИНЛИГИ: АХЛОҚ ВА ҚОНУН
"МУМКИНМАС"
Филни ютса думин кўрсатмас,
Нафс амрига қоим тўралар.
"Мумкинмас"га етолсалар бас,
Ясайдилар ундан ўралар. 3

КАРЗАЙНИНГ БОШ КИЙИМИ

СИГАРЕТ ҚОЛДИҒИ ТАОММИ? 4

Муаммо

ЙЎЛ АЗОБИ – ГЎР АЗОБИ...МИ?

Самарқанд вилояти йўлсозлик идораси мутасаддилари диққатига!

Тирикчиликнинг айби йўқ дейдилар. Ўн йилнинг буёғида савдо-сотиқ билан шуғулланаман. Яширишнинг ҳожати йўқ, Тошкентдан мол олиб келиб, Ғиждувон бозорида сотаман. Савдодан тушаётган уч-тўрт сўм билан ҳам оила тебратиб, ҳам икки фарзандимни институтда "контракт"ига пул тўлаб келмоқдаман, нолимайман.

Хизматчилик эмасми, кун-кунора йўлдаман. Йўловчи поездларга чиқмай қўйганимизга ҳам анча бўлди. Сабаби оддий: чипта нархи осмонда. Поездга фалон пул тўлаб пешонани тириштириб кетгандан кўра, автобусда видеофильмлардан кўриб кетган маъқул. Боз устига автобусларда йўлҳақи ҳам анча арзон, исталган "мерс"га ўтирсангиз бас, бир пасда ўзингизни пойтахтда кўрасиз. Аммо ҳозир гап булар ҳақида эмас.

Бухоро – Тошкент катта трактининг Каттақўрғон – Иштихон – Самарқанд қисми кейинги 15—20 йилдан буён умуман таъмирланмаганлиги кундай аён. Йўлнинг ўйдим-чуқурларида силкинавериб автобус "жониворлар"нинг ҳам "силла"си қурийди. Йўловчиларнику гапирмай қўяверинг, носоз йўл азобидан кўнгли айниб, асабийлашишдан бошқани билишмайди. Айрим ҳайдовчиларнинг айтишича, азбаройи йўлнинг "шарти кетиб, парти қолгани"дан айни шу манзилларда автоҳалокат ҳодисалари кўпроқ учраб тураркан. Мошиналарнинг ойналари дарз кетиши-ку одатий ҳолга айланган.

Ўйланиб қоламан, наҳотки Каттақўрғон – Иштихон – Самарқанд йўлини таъмирлашнинг иложи йўқ?! Ахир йўлларимизнинг равонлиги нафақат ўзимиз учун қулайлик, балки хориждан келаётган меҳмонлар олдида обрўйимизнинг янада кўтарилишига замин яратмайдими?!

Аброр УСМОНОВ,
Ғиждувон тумани

ТАҲРИРИЯТДАН:
Тадбиркор А. Усмоновнинг Каттақўрғон – Иштихон – Самарқанд йўли носозлигидан ранжиб ёзганларини ўқиб, бизда ҳам юқоридаги савол туғилди. Бироқ биз бу саволларни мутасаддиларга бермоқчимиз. Самарқанд вилоятидаги йўлсозлик билан шуғулланувчи идора мутасаддилари юқоридаги нохуш ҳолат юзасидан газетамизга жавоб берадилар, деган умиддамиз.

Дараклар

ЭНДИ ТУРКИЯ ҚЎМОНДОНЛИК ҚИЛАДИ

Би-би-си мухбирининг хабар қилишича, Кобулдаги халқаро тинчликпарвар кучларга эндиликда олти ой давомида Туркия қўмондонлик қилади. Туркия ҳукумати ана шу таклифга рози бўлган.

Айни пайтда беш минг кишидан иборат контингентга британиялик ҳарбий қўмондонлик қилмоқда. Туркиянинг қарори тинчликпарвар кучлар тақдири ярим йил давомида аён бўлишини кўрсатади. Рости, катта маблағ талаб этадиган ушбу ишга барча давлатлар жон деб рози бўлишаётгани йўқ. Британия вакиллари қўмондонликни ўтган йил декабрида қабул қилиб, уч ой муддатга бошқаришга рози бўлган эдилар. Аммо бу даврда қўмондонликни қабул қиладиган ташаббускор топилмади. Тўғри, Германия ҳам бригада штаби даражасида қўмондонлик қилиб келяпти. Бироқ бошқалар бунга унчалик хоҳиш билдирмаяптилар.

АҚШ Мудофаа вазири Д.Рамсфелд ўтган якшанба куни Баграм аэропортида журналистларга Америка халқаро тинчликпарвар кучларга транспорт, разведка, тезда кўмак берадиган кучлар қўллаб-қувватлаши билангина ёрдам беришини айтган.

Ҳозирги кунда халқаро тинчликпарвар кучлар фақат Кобул ва унинг атрофларини назорат қилишда мувақкат ҳукуматга кўмаклашяпти.

МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Вашингтон расмийларининг таъкидлашича, Шимолий Корея Америка вакилининг мамлакатга ташрифига тайёрлик изҳор этган. Бу яқин орада икки мамлакат ўртасидаги музокаралар бошланишини англатади. Пхеньянга музокаралар ўтказиш учун АҚШ Давлат департаменти олий мартабали вакили Жек Притчард жўнайди деган тахминлар бор.

Маълумки, Жорж Буш президент этиб сайланганидан бошлаб АҚШ ва Шимолий Корея муносабатлари бузилди. Дастлаб АҚШ президенти музокараларни тўхтатди, сўнгра Шимолий Корея уни давом эттиришдан бош тортди. Айниқса, Жорж Буш ушбу мамлакатни "ёвузлик ўқи" давлатлари ичида санаб ўтгани оловга мой қуйгандек бўлди. Аммо энди икки мамлакат яна музокаралар столи атрофида мавжуд муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўлларини босиқлик билан муҳокама этишга киришмоқчи.

Америка Пхеньяндан оммавий қирғин қуролини ишлаб чиқармаслик ва кўпсонли армиясини қисқартириш ваъдасини олмоқчи. Эвазига эса ушбу мамлакатнинг оғир аҳволдаги иқтисодиёти тикланишига кўмаклашишни таклиф этмоқда.

ИСРОИЛДА МОЛИЯВИЙ ТАНҚИСЛИК

Исроил Вазирлар Маҳкамаси узоқ муҳокамадан сўнг миллий иқтисодиётда "тежаб-тергаб иш юритиш" дастурини қабул қилди.

Ушбу чоралар энг аввало ўсиб бораётган бюджет танқислигининг олдини олишга қаратилган. Бироқ яҳудийлар давлати пайдо бўлганидан буён энг оғир ҳолга тушиб қолган Исроил иқтисодиётини бу режа қутқаришига ишонч йўқ. Кейинги пайтда иқтисодиётнинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшаётган юксак технологиялар савдоси пасайди. Фаластин ҳудудига кириш ва кенг қамровли ҳарбий ҳаракатлар учун кетадиган харажатлар эса тинмай ўсмоқда.

Ҳукуматнинг янги дастури давлат харажатларини 1,23 миллиард долларга қисқартиришни ва солиқларни эса бу миқдорнинг ярми ҳажмига оширишни назарда тутади. Ҳукуматнинг фикрича, бу жорий йилда бюджет тақчиллигини 3,9 фоизда ушлаб туриш имконини беради. Ушбу кўрсаткич 2002 йил бюджетини тузишда эълон қилинганидан 0,9 фоиз ортиқдир.

ТУТҚУНЛАР УЧУН ЯНГИ ТУРМА

Америка ҳукумати Афғонистондаги террорчиларни қўллаб-қувватлашда гумон қилинаётган 300 нафар кишини Гуантанамодаги вақтинчалик панжаралар ичидан махсус хоналарга кўчириб ўтказиш тугалланганини маълум қилди.

Тутқунлар қаттиқ хавфсизлик чоралари билан "Дельта лагери" деб аталувчи турмага кўчирилган. У ерда ювиниш учун сув, ҳожатхона, камералар ўртасида деворлар бор. Айни пайтда "Дельта лагери"да 408 тутқут сақланиши мумкин. Аммо зарур бўлган тақдирда жойни 2000 кишини сақлайдиган даражага келтириш имконияти бор.

Кўчириш операциясига раҳбарлик қилган бригада генерали Рик Баккаснинг маълум қилишича, тадбир ҳеч қандай воқеа-ҳодисасиз ва бутунлай хавфсиз ўтган.

ММMда

ОЗОДА ҚАЕРГА КЕТМОҚЧИ?

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган хонанда Озода Нурсаидова ва журналистлар учрашувида кўп нарсаларга ойдинлик киритилди. Хусусан, хонанданинг май ойининг биринчи ҳафтасида "Халқлар дўстлиги" саройида ўтадиган концерти, унинг нима учун "Энди мен кетаман", дея номлаши-ю, қанча қўшиқ ижро этилишигача оқизмай-томизмай гапирилди. Хонанданинг айтишича, у ҳеч қаёққа кетмоқчи эмас, анъанавийликдан чекиниб, андак эркалик маъносида концерт дастурини "Энди мен кетаман" , деб номлабди, холос...

Савол бериб чарчамаган журналистлар матбуот анжуманидан сўнг, таассуротларини ўзгача баён қилди: "Озодахонни телевизорда кўраверив, гоҳ енгил-енгил, қўшиқ оҳангига мос рақснамо ҳаракатлари, гоҳо қўлини мушт қилганча ҳаволатиб хониш қилишига қараб, бошқача тасаввур уйғонганди бизда... Бугун кўрдикки, анчайин оғир, сўзлари шода, ўзи эса қақажонгина қиз экан. Бундай қизлар шўрпешона йигитлардан бирини бемалол шаҳзодамонанд бахтиёр этиши мумкин".

Дарвоқе, тап тортмас журналист акамиз Исмат Хушев савол-жавоб авжига чиққан паллада Озодахонга саволдан кўра таклифга (илло, илтимос эмас!) ўхшаш гап ташлади: "Озодахон, сиз аж-жойиб санъаткорсиз. Шу боис ҳам шу-унча журналистлар ташриф буюрган бу ерга. Шу қора кўзлар ҳурмати, биринчи қатордан мухбирларга 25 та концертингиз чиптасини совға қила оласизми?"

Хонандамиз бунга жавобан "Албатта!" деди. Бироқ жавоб анча руҳсиз оҳангда бўлдики, чамаси,концерт чиптаси насия бўлади-ёв!

Бўйдоқ МУХБИР

Луқма

YANGIER эмас, YANGIYER

Байрам баҳона туғилиб ўсган масканим Самарқандга, ота-онам бағрига йўл олдим. Яқинлар дийдорига тўйгач, Тошкентга аммам, почмам ва 2-синфда ўқийдиган жияним билан қайтадиган бўлдик. Тўрт киши бўлиб енгил машинада Тошкент томон келяпмиз-у, мактабда лотин алифбосида ўқиётган жияним йўл четидаги янги имлода ёзилган огоҳлантирувчи белги, маълумотларни бурро-бурро ўқиб борарди. Жиззах вилояти Рашидов туманидан ўтаётганимизда жияним йўл четидаги ёзувни ўқиди шекилли, "янги эр" деб юборди. Буни эшитган почмам ўғлини койий кетди. Қарасам, ҳақиқатан ҳам кўча четидаги огоҳлантирувчи белгига янги имлода "YANGI ER" (Янги эр) деб ёзиб қўйилган экан. Мен почмамга ўғлини ноўрин койиганини, кўча четига жияним ўқигандай ёзиб қўйилганини айтдим...

Бундай мисолларни кўплаб учратишимиз мумкин. Ачинарлиси, йўл қўйилаётган хатолар жиянимга ўхшаган қанчадан-қанча ёш авлоднинг нутқи, саводхонлигига салбий таъсир кўрсатади.

Мутасадди ходимлар кўпчилик назаридаги лавҳа, маълумотларни янги имло қоидаларига мос ҳолда тўғри ёзишга алоҳида эътибор қаратишса, яхши бўларди.

Бунёд АБДУЛЛАЕВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Хат

"МАКТАБ БИНОСИДА ЯШАЯЛМИЗ"

десак биров ишонмайди, аммо... рости ҳам шу...

1975 йил Қибрай туманидаги собиқ Ленин жамоа хўжалиги бошқаруви томонидан менга 0,13 гектар ер берилди. Ўша йили уйланиб, ажратилган ерга уй қуришга тутиндим. Лекин бир куни хўжалик раиси олдига чақириб "Фанлар академияси хатига асосан академик тоғанг С.Юлдашевга 0,10 гектар ер ажратган эдик.Турли гап-сўзлар кўпайиб кетди. Шунинг учун бу ерни у кишининг аризасига биноан колхоз балансига ўтказдик. Озроқ қурилиш бошлаб қўйилган экан, у 7036 сўмга баҳоланди. Маслаҳатим: 0,13 гектар ер ўрнига тоғангнинг ерини ол", деган фикрни билдирди. Мен рози бўлдим. Уй деворларини яна 1,5 метр кўтариб, томларини ёпдим. 1976 йили кўчиб келиб, тинч-тотув ҳаёт кечира бошладим.

1984 йил Оржоникидзе (Қибрай тумани шундай номланган эди) туман прокурори судга мурожаат қилиб, биз яшаб турган уйни райижроком балансига олишни сўради. 12 июлдаги суд қарори билан уй райижроком ҳисобига ўтди. С.Юлдашев ҳеч қаерга мурожаат ҳам қилмади, норози ҳам бўлмади. Менинг ёз-ёз, югур-югуримдан кейин 1986 йилда яна суд бўлди. Судда С.Юлдашев сарф этган 7036 сўмни ундириб беришни талаб этиб, бошқа даъвоси йўқлигини айтди. Мен эса уйга эгалик ҳуқуқимни талаб қилдим.Суд талабимни қондириб, уйга эгалик ҳуқуқини менга берди. Ҳамда С. Юлдашев фойдасига 7036 сўм ундириш лозимлиги кўрсатилди. Айтилган пулни тоғам С.Юлдашевга тўладим.

1991 йилгача уйда тинч-фаровон яшадик. Бу орада ҳовлига газ ўткизилди. Иссиқлик билан таъминланди. Қўшимча қурилишлар қилдим. Бирор марта бўлсин тоғам уй ҳақида оғиз очганлари йўқ эди. Аммо орадан 5 йил ўтиб, яъни 1991 йил апрель ойида у киши уйга эгаликни даъво қилиб судга ариза қилибди.

Судда даъво қўзғалди-ю, ниҳояси йўқ копток-копток ўйини бошланиб кетди. Баъзи суд С.Юлдашев манфаатига ишни қаноатлантирса, баъзилари менинг фойдамга ҳал қилув қарори чиқарди. Натижада, шу кунгача ўнга яқин суд қарорлари чиқдики, ўқиб ҳайрон қоласан киши: судъялар ишни битта китобдан кўрадиларми ёки бошқа-бошқа китоблардан? Қонунларимиздан ўзларининг ҳоҳиш иродасига тўғри келган пайтда фойдаланиш мумкин-у, қолган пайтда бемалол кўзни юмиб олса бўлаверакан-да?! Яна ажабланарлиси шуки, низо кетаётган бир пайтда С.Юлдашев низоли уйни ўғлига васият қилибди. 1993 йилда, у киши вафот қилганларидан сўнг, низоли уйга энди ўғли С.Юлдашев даъвогарлик қила бошлади. Орадан бир йил ўтиб, 1995 йил 22 сентябрда С.Юлдашев уйни қайнонаси М.Собировага совға қилади. М.Собирова ҳам бир йилдан сўнг (1996 йил 1 июнь) низоли бу уйнинг ярмини сахийлик билан турмуш ўртоғи Х.Собировга ҳадя этади. Бир томонда низо ҳали бир ёқли бўлгани йўғу, иккинчи томоннинг уйни совға-совға қилиб ўйнашида қандай мантиқ бор? Ҳужжатларни расмийлаштирган нотариуслар ҳам бунга қизиқмаганлиги кишини ажаблантиради.

Юлдашевларнинг юқоридаги ҳаракатлари даъвогарлар сонини суньий кўпайтиришми ёки уларга уй қўғирчоқ эканлигининг шаъмасимикин? Рост-да, Ботуми, Ҳувайдо, И.Мўминов, Баранов кўчаларида қўша-қўша уйлари ва ҳовлиси ҳамда Қибрай туманида дала ҳовлига эга инсонлар учун битта ҳовлини ҳадя қилиш нима бўлибди...

Мен учун уй Ватандек азиз нарса. 1998 йил 4 ноябрдаги Тошкент шаҳар судининг қарорига кўра мен ҳозир низоли уйдан чиқарилиб, турмуш ўртоғим ва тўртала қизим билан кўчада қолдим. Қибрай туманидаги 14-сонли мактабнинг бир чеккасидан ажратилган хоналарда кун кечираяпмизки, буни ҳатто айтишга ҳам хўрлигинг келади. Бунинг устига, қизларимни турмушга беришим керак.- Совчилар синфхонада яшаётганлигимизни кўришса... Қизларимнинг тақдири ҳам шу уйга боғлиқлиги жуда оғриқлидир.

Тошкент шаҳар судининг ўша қарори билан танишиб чиққач, судья Т.Мардиева бундай қарор чиқаришда қандай мантиқ ва қонунга таянганини билмайсан киши... Қарорнинг менинг эътирозимга сабаб ўринлари қуйидагилар:

1. Қарорда С.Юлдашев низоли уйни 1971 йилдан 1979 йилгача қурган деб ёзилади. Судья ҳужжатларни пухта ўрганиб чиқмаган кўринади, чунки ер майдони С.Юлдашевга фақат 1972 йил 2 майида ажратилган, 1973 йили эса ноқонуний берилган ер майдони сифатида олиб қўйилган.

2. Қарорда уй Оржоникидзе туман судининг 1986 йил 13 февраль қарори ва Тошкент вилоят судининг 1997 йил 29 август қарорига кўра меники деб топилгани, ер майдони С.Юлдашевдан 1973 йил олиниб, колхоз балансига ўтказилгани ҳам яширилади.Чунки С.Юлдашевнинг ўзи ҳар битта боласига уй ва квартиралар олгани учун таъқибдан қўрқиб уни колхозга топширган.

3. Қарорда С. Юлдашевлар оиласи 1985 йилгача баҳордан-кузгача низоли уйда яшаган, деб ёлғон маълумот берилади.

4. Қарорда ёзилишича, гўёки мен ўзбошимчалик билан уйга кириб олган эмишман. 1986 йилдаги суднинг қарорига кўра уй менга тегишли эканлигини судья хоним унутган кўринади.

5. Судья 1994 йилги васиятнома билан иккита ҳадяномага ишора қиладию, аммо улар 1997 йил Тошкент вилоят судининг қарори билан ноқонуний, деб бекор қилинганлиги ҳақида лом-лим демайди.

6. Судъянинг ёзишича, С.Юлдашев участкасини колхоз балансига ўтказишни сўраб расмий ариза берган эмишу, бироқ уйни қуришни давом эттирган эмиш. Бу ерда мантиқ қани? Судья Т.Мардиеванинг қандай жумбоғи бўлди бу?

7. С. Юлдашевнинг ўлимига мен сабабчи бўлган эмишман. Судъянинг бу гапларини қандай қабул қилиш, қандай тушуниш керак? Бу очиқдан-очиқ бир томонга ён беришнинг ошкора эътирофими ёки тазйиқми?

8. Судъянинг навбатдаги ёлғонига эътибор беринг: ҳеч бир далил исботсиз уйда икки комплект мебель, 126 куб метр ёғоч материаллар борлигини ёзади. 126 куб метр ёғоч тахталар ҳовлига сиғиши мумкин эмас, бунга ишонч ҳосил қилиш учун эксперимент ўтказиш кифоя.

9. Судъянинг фикрича, С.Юлдашевнинг судга берган даъво аризалари менинг уй учун пул тўламаганлигимни исботлар эмиш — судъянинг мантиқ услубига қаранг-а!

10. Ер майдони 1972 йил С.Юлдашевга қонунга зид равишда ажратилгани учун 1973 йили ундан олиб қўйилганлиги ҳужжатларда акс этганлигини ҳамма билади. Лекин судья қийналмай С.Юлдашевнинг фойдасига қарор чиқаради. Юлдашевларнинг 5-6 та уйи ва дала ҳовлиси борлиги, мен билан оиламнинг шу уйдан бошқа бошпанаси йўқлигини била туриб бизни кўчага итқитади. Ҳатто қарорнинг охирида ҳам судья ўз одатига кўра ёлғон сўзлайди ва васиятнома билан ҳадяларини бекор қилиш ҳақидаги илтимосимни қондиришни рад этиш ҳақида қарор чиқаради. Ҳолбуки, аризамда мен буни сўрамаганман. Иккаловини ҳам Тошкент вилоят суди бир йил аввал бекор қилган эди.

11. Судья Тошкент вилояти судининг 1997 йил 29 август қарорини бекор қилмай туриб, мени ва оиламни уйдан кўчириб чиқариш ҳуқуқига эга эмас. Ахир Тошкент шаҳар суди ва вилоят суди бир хил даража ва мақомга эга бўлиб, бирбирларининг қарорларини бекор қилишга ҳақли эмаслар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди менинг мана шу важларимни тўла текшириб, холис хулосага келиши қонун талаби эмасми?!.

65 ёшимда хотиним ва турмушга чиқмаган тўрт нафар қизим билан уч йилдан бери 14-сон мактаб биносида яшашга мосланмаган, санитарияга хилоф шароитда яшаётганим, Юлдашевлар оиласининг эса бу пайтда ўзларининг футбол ўйнаса бўладиган кенг уйларида яшаётганлигини ҳисобга олиш ҳам адолатдандир.

А.ЗУПАРОВ

Тошкент вилояти, Қибрай тумани

***ТАҲРИРИЯТДАН:** Юқоридаги унча-мунча ақлга сиғмас ҳолатлар баён этилган оғриқли мактубни ўқиб чиқдингиз. Рости, унга икки оғиз бир нима қўшимча қилиш ҳам қийин. Сиз ҳам азиз муштарий, мактубни ўқиш жарёнида бир неча бор "Наҳотки?!" деб юборган бўлсангиз, эҳтимол... Дарҳақиқат, мактубга ҳеч қандай гап қўшиб бўлмайди, фақат унда кўтарилган муаммо бўйича амалий иш кўрмоқ лозим, холос. Амалий иш эса фақат Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Республика Бош прокуратураси ваколатига киради. Бор гап шу идора вакилларида қолган.*

Шарҳ

МАКТУБЛАР — ГАЗЕТА СУЯНЧИ

Ўзини, муштарийларини ҳурмат қиладиган ҳар қандай нашр таҳририятга келган мактубларга бефарқ бўлмайди. Шу нуқтаи назардан газетамизга келаётган ҳар бир хат эътиборимизда. Гарчи уларнинг барчасидан бирдек фойдаланишнинг иложи бўлмаса-да, кўнглимизда мактуб муаллифларига нисбатан илиқлик, алоҳида эҳтиром туямиз, миннатдорчилигимизни етказиш йўлларини ахтариб қоламиз.

Таҳририятимиз асосий манзилини ўзгартирганидан тўғрироғи, **Матбуотчилар кўчаси 32-уйдан Навоий кўчаси 16-уйга** кўчиб ўтганидан кўпчилик хабардор бўлса керак. Шунга қарамай, таҳририятимиз хат қутисидан мухлисларимиздан келган мактублар аримайди. Келинг, яхшиси уларни баҳоли қудрат шарҳлашга уриниб кўрайлик.

Сурхандарё вилояти, Қизириқ тумани, Шароф Рашидов кўчаси 87-уйда истиқомат қилувчи **Рўзи Имомов "Радио нега ишламайди?"** деб номланган мақоласида бугунги кунда энг долзарб муаммолардан бири бўлган қишлоқ жойларидаги радио тармоқларининг узиб ташланганлиги ҳақида бонг уради. У кишининг **"Деҳқоннинг бели синмасин"** сарлавҳали мақоласида деҳқончилик, умуман, қишлоқ хўжалигидаги масалалар хусусида мулоҳаза юритилади.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидан бизга мактуб йўллаган **А.Саъдуллаев** Тошкентдаги Санъат музейи орқасида жойлашган биродарлик қабристонида дафн этилганлар ҳозирда бу ер паркка айлантирилгани боис бошқа қабристонга қайта дафн этилганми ёки йўқлиги билан қизиқаётганини билдирган.

Музработлик 80 ёшли **Жўрақул бобо Тўрақулов** ризқимизни қиёётган ортиқча урф-одатлар, маросимларни қисқартириш тарафдори. У киши ўз хатида шундай ёзади: **"Урушга кирган командир:** ***"Менинг орқамдан олга!" демаса, жангчилар пинагини бузишмайди. Шахматда Шоҳ олга ўтсагина пиёда маррага етиб фарзин бўлади, бахтга эришади. Хулосам шуки, азадорлик ва тўй маросимларининг харажатларини енгиллаштириш ва уларни чеклашга дин пешволари ва амалдор – раҳбарлар бош-қош бўлсаларгина оддий одамлар уларга эргашиб, кўзланган муддаога эришадилар".***

Навбатдаги хатнинг мазмуни эса қуйидагича экан:

"Ассалому алайкум севимли газетамиз "Ҳуррият"!

Биз Чортоқ туманидаги 45-ўрта мактабнинг 9 "Б" синфида ўқиймиз.

"Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фани дарсларида ўқитувчимиз Носиржон Деҳқоновнинг бевосита кўмаклари билан турли газеталардаги мақолалар билан танишиб борамиз. Ўқитувчимиз навбатдаги дарсда сенинг саҳифангдаги "Чекканга нима етсин, деганлар ғафлатда" сарлавҳаси остида чоп этилган маълумотларни ўқишни тавсия қилдилар.

Биз тамаки чекиш зарарлари ҳақида таъсирли маълумотлар билан танишиб, сенга савол билан эмас, балки фикр билан мурожаат қилишни лозим топдик.

Сигарет зарарли, заҳарли лекин нима учун савдо ходимлари, телевидениедаги ижодкорлар сигарет турларини зўр бериб реклама қиладилар?! Буни ўрнига чекманг, чекиш зарарли, деган сўз айтилса ёки чекишдан оғир хасталикка чалинганларнинг икки оғиз афсус-надомати берилса, маъқул эмасми?

Реклама ва антирекламалардан бизни айниқса, телевидение зериктирди!

Мулоҳазали, долзарб мавзулардаги ўқишли мақолаларинг учун сенга раҳмат.

Сенга муҳаббат билан мухлисларинг: Г. Сатторова, Ҳ.Жўрабоева, Н.Раҳимова, А.Қодиров, И.Мирзаев, Р.Амиров, Ҳ.Қаҳҳоров, У.Солиева, М.Ибрагимова, М.Аббосов, Н.Муйдинова, С.Отабоева, М.Қурбонова, М.Абдураҳмонов. М.Комилова."

Доимий ҳамкоримиз сариосиёлик **Аннамурод Жумақулиев** бу галги мақоласини "Ўзбек миллийлиги қани?" деб номлаб, унда одоб-ахлоқ, ғурур ва орият хусусида мулоҳаза юритади.

Ёзёвон туманидаги Қўчқорчи қишлоғида яшовчи ашаддий мухлимиз **Нурмуҳаммад Ҳайдаров**га алоҳида миннатдорчилик билдирмоқчимиз. У киши ҳар галгидек бир йўла бир нечта хат-хабар ва шеър **("Таҳририят мен севган жой, лекин...", "Ишчилар нега кетмоқда?" "Хушомадгўй табриги" ва ҳоказо)** юборганлар.

Узун туманидан келган хатда шундай сатрлар бор: ***"Ассалому алайкум "Ҳуррият" газетасининг таҳририят ходимлари. Менга 28 март куни пенсиям билан "Ҳуррият" газетасини ҳам бериб кетди. Газетада "Қайта туғилаётган Орол" мақоласига кўзим тушди ва ўқидим. Мақолада жуда муҳим масала кўтарилган. Оролни тўлдириш бўйича ўз фикр ва ҳисобини берган Абдувоҳид ака Юсупов сувнинг парланиши ва ерга шимилишини жуда аниқ маълумотлар билан кўрсатган. Бу одамга қойил қолмай, тасонно айтмай иложи йўқ.***

Мен Мамажонов Йўлдош, Сурхандарё вилояти Узун туманида яшайман, нафақўрман. Ёшим 72 да, мен ҳам 40 йил ўқитувчи бўлиб ишлаганман. Лекин деҳқончиликни жуда яхши кўраман, табиатни севаман.

Ҳаммага аён 2—3 йилдан бери қурғоқчилик бўлиб, сув камлигидан иккинчи марта экинлар экилмай қолаётганди. Хўжаликда минг-минг гектар буғдойларнинг ўрнини ва бошқа экинларнинг ўрнини олинг. Бу жуда катта йўқотиш. Сувни бошқаришда мироблар асосий вазифани бажарадилар. Ҳозирги кунда мироблар деярли камайиб кетган. Илгари мироблар от миниб, ариқ ёки каналлар ёқалаб сувни бошқарарди. Ҳозир буни кўрмаймиз. Бундан ташқари ариқ ва каналларни тозалашга ҳам эътибор сусайиб кетгандек.

Бу йил об-ҳаво жуда яхши қор-ёмғир сероб бўлиб, сой ва дарёларда сув оқиб қолди.

Мен Абдувоҳид аканинг фикрларини тўлиқ маъқуллайман".

Бойсунлик шоира Ўғилой Нормамат қизи баҳорни васф этиб шеърлар битибдилар:

"Бодом куртагидан дунё кўз очди,
Осмон этагидан қуёш нур сочди.
Деҳқон қадамидан бошланар Ватан,
Тонг далага чорлаб қутлуғ йўл очди..."

Шунингдек, таҳририятимизга пойтахтдан **Н.Асқарҳўжаева,** самарқандлик **Ғ.Иброҳимов,** қизириқлик **Р.Имонов, Ҳ.Турсунов** ва бошқалардан ҳам хат келган. Бизга мактуб йўллаган барча мухлис-муштарийларимизга қайноқ миннатдорчилигимизни билдирамиз.

"Ҳуррият"га ёзинг, зеро, газета Сиз азиз мухлислардан келган хатлар билан ҳаёт. Сизнинг мактубларингиз газетамиз суянчи эканини унутманг.

"HURRIYAT"чилар

Жавоб

СУДЬЯЛАР ҚАТТИҚ ОГОҲЛАНТИРИЛДИ

Газетамизда босилган иккита танқидий мақола бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судидан битта яхлит жавоб келди

"Ҳуррият" газетасининг 2001 йил 30 октябрдаги сонида эълон қилинган "Иргашев қандай тобланди?..." сарлавҳали, 2002 йил 6 март сонидаги "Газетанг нима қилиб берди?..." номли мақолалар Олий хўжалик суди томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, "ММК" хусусий фирмаси 1999—2001 йиллар давомида "Венера – Р" хусусий фирмасидан тегишли суммалар ва жарималарни ундириш ҳақида Фарғона вилоят хўжалик судига бир неча марта даъво аризалари билан мурожаат этган.

Мазкур даъво аризалари бўйича қўзғатилган хўжалик ишлари Фарғона ва Андижон вилоят хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган. Олий хўжалик суди кассация судлов ҳайъати ушбу ишларни кўриб чиқишда моддий ва процессуал қонунчилик талаблари бузилганлиги учун қуйи инстанциялар қарорларини бекор қилиб, қонуний қарорлар қабул қилинишини таъминлаган.

Фарғона вилоят хўжалик судининг 2001 йил 13 февралдаги ҳал қилувчи қарорига асосан даъвогар "ММК" хусусий фирмаси фойдасига жавобгар "Венера – Р" хусусий фирмасидан 935261 сўм ундирилган. Жавобгарнинг кассация шикоятига биноан Олий хўжалик суди кассация судлов ҳайъатининг 2001 йил 25 апрелдаги қарори билан ушбу ҳал қилув қарори бекор қилинган ва вилоят хўжалик судига суд ҳужжатининг қайтарма ижросини таъминлаш топширилган.

Шунга кўра вилоят хўжалик судининг ажримига биноан "Венера – Р" фирмасидан "ММК" фирмасига асоссиз ундириб олинган 935261 сўм ва суд ҳаражатларини жавобгарга қайтаришлик белгиланган. "ММК" хусусий фирмасидан "Венера – Р" фирмасига 2001 йил май ойида 427723 сўм ундириб олинган. Қолган суммани ундириш бўйича Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш Департаменти Фарғона вилоят ҳудудий бўлими томонидан "ММК" хусусий фирмасига тегишли мулклар хатланиб, вилоят Кўчмас мулк биржаси орқали сотиш чоралари кўрилмоқда.

Мақолаларда қайд этилган танқидий мулоҳазалар Олий хўжалик суди Раёсатининг 2001 йил 27 декабрдаги йиғилишида атрофлича муҳокама этилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Одил судловни амалга оширишда моддий ва процессуал қонунчилик талабларини бузганлиги учун Фарғона вилоят хўжалик суди судьяси Н.Узоқов Олий хўжалик суди малака ҳайъатининг 2002 йил 8 апрелдаги қарори билан интизомий чорага тортилди. Андижон вилоят хўжалик суди судьялари Р.Латифжонов, Х.Тўрахонов ва И.Долимовлар қаттиқ огоҳлантирилдилар.

Ш.РЎЗИНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси ўринбосари

ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИЛДИ

"Ҳуррият" газетасининг 2002 йил 7-сонида чоп этилган Р.Арслоновнинг "Қадримга йиғлайман" мақоласи Бухоро вилоят суд тиббий экспертиза бюросида Вилоят ички ишлар бўлими вакиллари, экспертиза бюроси бошлиғи ва бўлим мудирлари орасида муҳокама қилинди. Муҳокама натижасига кўра, Пешқу туман суд тиббий экспертизаси бўлинмаси мудири Ж.С.Муродов келишмовчиликни бартараф этмагани учун Вилоят суд тиббий экспертиза Бюросининг 18.03.2002 йилдан чиқарилган 25-сонли буйруқнинг 2-бандига асосан эгаллаб турган лавозимидан олиниб, Криминалистика бюроси бўлимига оддий суд тиббий эксперт қилиб ўтказилди. Қолган маълумотлар ҳуқуқ тартибот органлари томонидан текширилиб, тақдимнома киритилганидан сўнг муҳокама қилинади.

А.Ш.ОРТИҚОВ,
Бухоро вилоят суд тиббий Экспертиза Бюроси бошлиғи

Қандакорлик халқимизнинг азалий ҳунарларидан. Бу санъат истиқлол йилларида ривожланишнинг янги босқичига кирди.

Ислоҳот

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС: КРЕДИТ ВА КАФОЛАТ

Жаҳон бозорларида рақобатнинг кучайиши баробарида иқтисодиётнинг глобаллашув жараёни ҳам давом этмоқда. Бундай жараёнда ҳар қандай мамлакат, жумладан, Ўзбекистон ҳам ўзининг муносиб ўрнини топишга интилиши шубҳасиздир. Бунга эришиш йўлларидан бири ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини либераллаштиришдан иборатдир. Ўзбекистонда бу жараён шахсан Президентимиз И.Каримов ташаббуси билан амалга оширилмоқда. Иқтисодиётни либераллаштиришда ривожланган кичик ва ўрта бизнеснинг салмоғи юқори.

Мазкур соҳа қадимдан юз минглаб ҳунармандлар ва усталар фаолиятининг устувор кўриниши бўлиб, маҳаллий аҳоли менталитетининг муҳим жиҳати сиёсий ҳаётнинг ҳаракатлантирувчи кучи, ҳокимиятнинг ўзига хос шакли ва жамиятда демократик институтлар ташкил этиш жараёнининг муҳим омили сифатида фаолият кўрсатиб келган. Ҳозир ҳам шундай.

Республикамизда кичик ва ўрта бизнесни, яъни хусусий секторни кредитлаш ва уларни рағбатлантиришнинг асосий манбаларидан бири хусусийлаштиришдан тушадиган маблағдир. Чунки Ўзбекистонда бу борада шундай ёпиқ тизим жорий қилинганки, бунда хусусийлаштиришдан тушадиган барча даромад давлат ғазнасига эмас, балки хусусийлаштирилган корхона, фирмалар ва умуман бозорда хусусий сектор улушини оширишга, уни ривожлантиришга сарфланади. Шу ўринда бундай стратегияни танлаган давлатлар дунёда ғоятда камчилик бўлиб, ушбу тизим оғирлигини, ҳар қандай давлат бюджети ҳам кўтара олмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Хусусийлаштирилган корхоналар фаолиятини маблағ билан таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари бор, улар қуйидагича:

Биринчи, маблағлар корхонани давлат тасарруфидан чиқариш ҳисобига ҳосил бўлади ва Давлат Мулк қўмитасининг махсус ҳисоб рақамида жамғарилади.

Иккинчи, республика Молия Вазирлиги билан келишилган ҳолда кредитдан фойдаланишнинг имтиёзли сурилувчи фоиз ставкаларининг белгиланишидир.

Тўғри, фоиз ставкаси йилнинг ҳар чорагида ўзгариб туради, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам у ўртача банк фоиз ставкасидан паст бўлади. Секторга тааллуқли бу сиёсат корхона ва фирмаларга ўз фаолиятининг илк кунларидаёқ бизнес дастурлари ва мақсадларини амалга ошириш учун давлат корхоналаридагига нисбатан манфаатлироқ шартларда маблағдан фойдаланиш имконини беради. Собиқ совет тузуми даврида йўл қўйилган ва ўз-ўзидан салбий оқибатларга олиб келган бюрократия каби иллатни олдини олишда ҳам муҳим қадам қўйилган. Бу борада бизнес лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш, кредитлар ҳақидаги қарор юқоридан келадиган буйруқ ва кўрсатмаларга эмас, балки қатъий иқтисодий ҳисобларга асосланган ҳолда қабул қилинади. Бунинг учун Давлат Мулк қўмитасига маълум ҳужжатларни топширишнинг ўзи кифоя.

Республикада кичик ва ўрта бизнесни кредитлашнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, давлатда, жаҳонда қабул қилинган анъанавий молиялаш манбаларидан ташқари, махсус кредитлаш манбаларининг мавжудлигидир. Хусусий тадбиркорлик кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш юзасидан махсус Республика Бизнес Фонди ташкил этилган.

Бунда Бизнес Фонд томонидан жалб қилинадиган маблағлар "Ўзтадбиркорбанк" орқали жамғарилади ва белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун, қайтариш шарти билан кредитлар кўринишида хусусий секторга ажратилади. Бундай вазифалар сирасига лойиҳаларни имтиёзли кредитлаш йўли билан хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни молиявий томондан қўлаб-қувватлаш, республика ҳудудларида ушбу сектор инфратузилмасини ривожлантиришга ёрдам бериш ва сармоя лойиҳаларини амалга оширишда турли кредит муассасаларидан қарз сармоя, кредитни жалб қилиш учун талаб қилинаётган кафолат, мажбурият ва кафилликлар бериш, дунё андозаларидаги лойиҳаларнинг техник-иқтисодий базасини ишлаб чиқариш учун грантлар тузиш, бериш ҳамда бу борадаги ғояларни ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ суғурта полисини қоплаш, хусусий секторлардаги корхоналарни дунё андозаларидаги техника – технология билан таъминлашда кўмаклашиш, хусусан ҳориж асбоб-ускуналари лизингини ташкил қилиш киради.

Бизнес фондининг нормал фаолиятини таъминлаш учун республика бюджетига корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш орқали келиб тушадиган барча сумманинг 50 фоизи молиявий маблағ сифатида ажратилади.

Бизнес фондининг ташкил этган молия салоҳияти сармоялар бозорида кичик ва ўрта бизнесга бериладиган маблағ етишмовчилиги каби долзарб масалани ҳал қилишга кўп жиҳатдан ёрдам беради.

Ойдин ТОЖИЕВА,
ТДИУ халқаро иқтисодий муносабатлар факультети талабаси

Муносабат

ТАРЖИМА ҲАМ САНЪАТ, БИРОҚ...

давлат тилига ўгирмалар қилаётганларнинг малакаси мундайроқ...

Телевидение орқали катта бир тантанадан олиб кўрсатилган репортажда инглиз тилида нутқ сўзлаган нуфузли меҳмон гапларининг ўзбекча таржимасини эшитиб, ҳайратда қотиб қолдим.

Инглиз тилидан бироз хабарим бор. Мартабали меҳмоннинг дастлабки сўзлариёқ ўзбек тилига нотўғри таржима қилиниши дарров диққатимни экранга қадади. Маълумки, дипломатия қоидаларига кўра, катта анжуманларда йиғилганларга хитоб қилинганда ҳеч ким эътибордан четда қолдирилмайди. Аввал юксак мартабали кишиларга мурожаат қилиниб, кейин барчага «хонимлар ва жаноблар» деб хитоб қилинади. Меҳмонимиз ўз нутқини ана шу қоида асосида бошлади. Бироқ, унинг гапларини давлат тилига ўгираётган таржимон ўз таржимасида «хонимлар ва жаноблар» деган сўзларни тушириб қолдирди. Боз устига, ўзига ишонмаётгани ва ҳаяжонланаётгани тутилиб гапириши ва нотиққа нисбатан анча кўп вақтни олаётганидан яққол сезилиб турарди. Қилинаётган таржима инглизчасидан шунчалик фарқ қилардики, ҳатто айрим ҳолатларда гапнинг мазмуни бутунлай ўзгаришига олиб келарди. Жумладан, меҳмон ўз нуткида буддизм дини Термиз орқали Ҳиндистондан Хитой ва Японияга тарқалганини гапирди. Таржимон эса «буддизм дини Термизда пайдо бўлиб, бу ердан Ҳиндистон, Хитой ва Японияга тарқалган» дея таржима қилди! Буни эшитиб, ҳайратда қотасан, киши!

Янгиликдан «воқиф бўлиб», нуткнинг қолган қисми ва ўзбекча таржимасини ёзиб олишга киришдим. Нотиқнинг гапларини ўзим таржима қилдим. Таржимоннинг сўзлари эса айнан келтирилмоқда. Сиз ҳам таққослаб кўринг:

Инглизча нутқ: Афғонистондаги сўнгги ҳодисалар жараёнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Султон Саодат ёки Қирқиз каби исломга оид ёдгорликларни илмий жиҳатдан ўрганиш ва таъмирлаш ишлари кенгаймоқда. (Фикримча, нотиқ Афғонистонни эслатиб, ўтган йили толиблар томонидан портлатиб юборилган будданинг 52 метрли ҳайкалини назарда тутган - О.Д.).

Таржимон: Афғонистонда бўлиб ўтаётган, кейинги вақтларда бўлиб ўтаётган террористик ҳаракатларга қарамасдан (?) Ўзбекистон Республикаси (?) мана шу мамлакатда (?) тарихий монументларни (?), тарихий жойларни тиклашда, ислом дунёсини мана шу жойларини ривожлантиришда (?), буддизмни рив... буддизмни тарихий жойларини бутун дунёга таништиришда давом этиб келмоқда ва катта хизмат қилмоқда (?).

Инглизча нутқ: Биз япон жамғармаси лойиҳаси асосида сизларнинг мутахассисларингиз билан Фаёзтепадаги буддизм қазилмалари бўйича биргаликда ишлаётганимиздан жуда мамнунмиз.

Таржимон: Шунингдек, биз мана шу Япония давлати томонидан... Япония томонидан молиялаштирилган мана шу... Япония давлати томонидан молиялаштирилган мана шу ишларда, хусусан, Фаёзтепадаги будда қолдиқларини (?) ишлаб топишда (?) ва жаҳонга машҳур қилишда (?) биргаликда иш олиб бормоқдамиз.

Юқоридаги инглизча ва ўзбекча матнларни солиштириб кўриб, ўзбекча таржиманинг нақадар ғализ ва ғариб эканлигига ўзингиз гувоҳ бўлдингиз. Бунинг сабаби қаерларга тақалади?

Тошкентдаги бир қанча олий ўқув юртлари, хусусан, Жаҳон тиллари университети, Шарқшунослик институти, қоланверса, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети чет тилларни биладиган мутахассисларни тарбиялайди. Хўш, ундай бўлса айрим шарқ тилларини ҳисобга олмаганда, нима учун ғарб тилларидан давлатимизнинг расмий тилига бевосита ўгириб берадиган малакали тилмочлар жуда кам? Ҳамма гап шундаки, дипломатия соҳасида ўзбек тили мамлакатимизда ҳалигача иккинчи-учинчи даражали тил сифатида қолишига биз ўзимиз айбдормиз. Атрофга бир қаранг! Оддий бир мисол: Ташқи ишлар вазирлигида иш юритиш ва ўзаро мулоқот тили бошқа тил десак ҳам бўлаверади. Бу ерда ўзбек тилига рағбат йўққа ўхшаб кўринади. Давлат тилини билмайдиган кишилар анчагина эканлигига нима дейсиз? Улар чет элларда қандай қилиб ўзбек тилини тарғиб қилишади?

Ўзбекистондаги халқаро ташкилотлар ва хорижий компанияларда ишлаётган ватандошларимизнинг неча фоизи давлат тилини аъло даражада билади, ўзбек тилида бемалол гапириб ёза олади? Шахсий қузатишларимга кўра бу рақам 5-7 фоиздан ошмаса керак. Яхши ва қониқарли даражада биладиганлар эса атиги 20-25 фоиз атрофида бўлса керак! Кўпинча, хорижий ва қўшма корхоналарга ишга қабул қилиш ҳақидаги газета эълонларига қарасангиз қўлланилган («тилмоч» номи «тилимни оч, тилимни тушун» деган туркий сўзлардан ташкил топган).

Яқинда Россия давлат телевидениеси орқали Эстония ҳақида ҳужжатли филм намойиш қилинди. Эстонияда яшовчи 1.600.000 аҳолининг бир миллионини эстонлар ташкил қилар экан. Шунга қарамай, мамлакатда барча соҳаларда иш юритиш аллақачон давлат тилига ўтказиб бўлинган. Рус тили ҳам ўзаро мулоқотларда мавқеини сақлаб қолган. Олий ўқув юртларида ўқиш фақат эстон тилида олиб борилмоқда. Ўрта мактаблардаги таълим рус тилида олиб бориладиган синфларда дарсларнинг асосий қисми эстон тилида ўтиларкан. Бир неча йилдан кейин эса рус тилида дарс берадиган синфлар тугатилар экан. Филмда интервью берган бошқа миллатларга мансуб ёшларнинг барчаси (!) эстон тилида бемалол гаплаша олишини эътироф қилишди. Давлат хизматчиси бўлиш учун давлат тилидан имтиҳон топшириш шарт экан.

Бизнинг олий ўқув юртларимиздаги рус гуруҳларида ўқиётган талабаларнинг аксарияти ўзбек тилини умуман билмайди! Уларнинг ичида ўзбек миллатига мансублари қанча! Агар ана шу гуруҳларда айрим фанларни давлат тилида ўқитиш ташкил қилинмаса давлат тилини билмайдиган кадрлар кўпаяверади.

Ҳа, айтганча, Эстонияда давлат тилига чет тилларидан бевосита таржима қиладиганларни қидириш муаммоси йўқ экан.

Биз ўша кунларга қачон етиб борамиз?

Озодбек ДИЁР

3 МАЙ — ЖАҲОН МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ КУНИ

Жаҳон Матбуот эркинлиги куни 1991 йил 3 майдан эътиборан ЮНЕСКО томонидан таъсис этилган бўлиб, Виндхукс декларацияси қабул қилинган кун шарафига байрам қилина бошлади. Виндхукс декларацияси ноширлар, муҳаррирлар, журналистлар томонидан Африкада ва бутун жаҳонда эркин матбуот ролини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

ОАВ ЭРКИНЛИГИ: АХЛОҚ ВА ҚОНУН

Мулоҳаза

***"Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардир. Цензурага йўл қўйилмайди."* Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. XY-боб, 67-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг ОАВ фаолиятини мувофиқлаштирувчи қонунчилиги мамлакат Конституцияси 67-моддаси тамойиллари негизида ишлаб-чиқилган ва қабул қилинган."Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Журналистлик фаолиятини ҳимоялаш тўғрисида", "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги ва матбуотга доир бошқа қонунлар, жамиятимиз астойдил яқинлашиб бораётган, ислоҳотларнинг илк босқичларида баён этилган бош мақсадга эришишга кўмаклашишга қаратилди. Бу улуғ мақсад - ҳуқуқий демократик давлат бўлиб, унинг асосий белгиларидан бири эса эркин матбуотдир.

Эркин матбуот қонундан ташқари ортиқча назоратни инкор этади. Бироқ жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, цензуранинг бекор қилинишидан унинг тўла йўқ бўлишигача маълум вақт зарур. Зеро у янги шароитга moslашишга интилади, сифат жиҳатдан ўзгариб боради. Бу ҳолат уни ижтимоий институт сифатида эмас (бу сифатда цензура бекор қилинган), балки ижтимоий жараён сифатида (бу сифатда уни бекор қилиб бўлмайди) акс эттиради.

Оддий сўз билан айтганда, цензура бўлса, матбуот эркинлиги йўқ, назорат бўлмаса матбуот эркинлиги бор. Аммо цензуранинг бекор қилиниши матбуот эркинлигига эришиш йўлидаги дастлабки қадамдир ва бу қадамда бошқа бир муаммога дуч келишдан, яъни матбуот назоратсизлиги вужудга келишидан чўчишнинг ҳожати йўқ. Табиатан назоратсиз ОАВнинг ўзи мавжуд эмас. Зеро, оммавий ахборот воситалари устидан қандайдир назорат бўлиши керак. Лекин, бу назорат цензура ёрдамида давлат томонидан эмас (чунки давлат назорат қилиши эмас, бошқариши керак), балки оқилона қонунларга ва журналистларнинг касбий ахлоқига суянган ҳолда жамият томонидан амалга оширилиши лозим. Демократик мамлакатлардаги каби касбий ахлоқ бузилишининг эса қонунлар ёрдамида ўз вақтида олди олиниши мумкин.

ОАВ ҳам жамиятни "назорат қилиш" имкониятига эга. Бундай назорат жамоатчилик фикрига таъсир этиш имкониятлари орқали амалга оширилади. ***"Эркин матбуот - бу эркин фикр алмашишдир. Бу ёмон ғояни яхши ғоя билан алмаштириш эркинлигидир" деган эди АҚШлик ношир Стефен Уотерс.*** Хўш бизда ана шундай ранг-баранг фикрлар акс эттган рўзномалар кўпми? Нега улар кам? Чунки биз цензурани қонунан бекор қилган бўлсак-да, ундан батамом қутила олганимиз йўқ. Бунда биз, таҳририятлар фаолиятига нафақат четдан аралашувни, балки, мақолалар мазмунини таҳририятлар раҳбарияти, ҳатто журналистларнинг ўзлари "тўғриланишини" назарда тутмоқдамиз.

"Ички назорат" нималигини уларнинг барчалари билсалар керак. Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, "ички нозир" мавжудлиги ҳам фойдадан холи эмас. Унинг ҳам мавжуд бўлишга ҳаққи бор. Аммо "ички нозир" сиёсий, мафкуравий ёки бозор конъюнктураси афзалликларидан келиб чиққан ҳолда эмас, балки касбий ахлоқ тамойилларига асосланган ҳолда вужудга келиши лозим. Бу нуқтаи назардан «ички нозир» мавжудлигини оқласа арзийди. Журналистлар учун ҳам шифокорлардаги каби "зиён келтирма", деган нақл устивор бўлмоғи даркор.

Журналист этикаси мавзусини давом эттириб, авж олиб бораётган баҳсларни эсламоқ жоиз. Унинг бош мазмуни журналистлар учун ахлоқ кодексини яратиш масаласидир. Бизнингча, ғоя тарафдорлари ана шундай ҳужжат яратиб, унда муҳбиру-репортёрларнинг у ёки бу вазиятдаги хулқи меъёрларини белгилаб беришмоқчи. Яъни "журналист ҳамиша ва ҳар ерда "намуна бўлиши шарт", ёки "у ёхуд бу шароитда журналист ундай ёки бундай қилиши керак", "уни ёки буни бажариши лозим" ва ҳоказо. Журналистлардан кўра ана шундай кодекс кўпроқ матбуот эркинлигига тўсиқ яратмоқчи бўлган айрим амалдорларга заруррокдир. Ажабланарлиси шундаки, ОАВнинг ўзлари, улар учун ортиқча бўлган масала юзасидан баҳс-мунозарага қўшилиб кетмоқдалар. Аминманки, одоб ва ахлоқ маълум бир асарда жамланган ва журналистларни турли вазиятларда турлича иш тутиш ёки фикр юритишга ундайдиган қоидалар тўплами шаклида эмас, балки медиа маҳсулоти истеъмолчиларига нисбатан одил муносабат шаклида такомиллашади. Матбуотнинг аудиторияга муносабати эса унинг жамиятга ахборот бериш, маърифатни тарғиб этиш ва дидни юксалтириш каби ижтимоий вазифаларига асосланади. Шу нуқтаи назардан журналист одоб-ахлоқи агроном, муҳандис, шифокор ва бошқа касб вакиллари одоб-ахлоқидан фарқ қилмасдан, бир жумла билан ифодаланиши мумкин: "Ўз вазифангни виждонан бажар". Бу - касбий этика. У ҳар бир алоҳида фаолият соҳасида ҳам мавжуд бўлган умуминсоний ахлоқнинг бир кўринишидир.

Савол туғилиши мумкин: баъзи ҳолларда бирор раҳбар ўз назорати остидаги нашр ёки телеканалда ўзининг журналистикага алоқадор бўлмаган ижод маҳсулини, ёки ўзидан олинган интервью каби тарғиб этувчи материални жойлаштирса, буни қандай изоҳлаш мумкин? Балки ОАВ ахлоқ кодекси мавжуд бўлганда, ана шундай ҳолатларнинг олди олинармиди? Бизнингча, касбий ахлоқнинг бунга алоқаси йўқ. Бу ерда фақат тарбия камчиликлари, ёки хизмат вазифасини суиистъемол қилиш тўғрисида сўз юритиш ўринлидир. Бу балки одобсизликдир. Лекин бу алоҳида, тор мазмунда тушунилаётган касбий ахлоқ нуқтаи назаридаги одобсизлик эмас. Бу умуман одобсизликдир. Шунинг учун алоҳида журналистик ахлоқ хусусида сўз юритиш, журналистларнинг одоб кодексини яратиш учун ҳаётий зарурат йўқ.

Бугун бошқа муҳим масалалар ечимини топиш тўғрисида қайғуриш ўринли деб ҳисоблайман. ОАВ бозорини тараққий эттириш, янги, мустақил нашрлар кўпайиши орқали Ўзбекистон фуқароларининг конституциявий ҳуқуқлари – сўз, матбуот ва фикр юритиш эркинлиги амалга оширилишини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир. Хўш, бунга қандай эришиш мумкин?

Аввало, қонуний асосларни такомиллаштириш орқали. Зеро Конституциямизда баён этилган фикрлар плюрализми (II-боб, 12-модда) ривожини рағбатлантирувчи қонун лойиҳалари жамиятдаги либераллаштириш жараёнларини тезлаштиради, вужудга келаётган демократиямизни янада мустаҳкамлайди.

- Ҳақиқатга баҳслашув орқали эришиш мумкин. Бизнинг ҳақиқат - бу ягона ҳақиқат деган ортиқча ишонч - эркинлик ва демократия учун катта хавфдир, деган эди Америкалараро матбуот уюшмаси раҳбари Данило Арбилья. "Телерадиоэшиттириш тўғрисидаги" Қонун ана шу ўринда асосий ўринлардан бирини эгаллаши лозим. Айни пайтда электрон ОАВнинг ҳуқуқий майдони баркамолликдан анча йироқлиги ҳеч кимга сир эмас. Матбуот тарқалиш ҳудудини ягона бир ташкилот ёки муассаса (мулкчилик шаклидан қаътий назар) томонидан ҳар қандай миқёсда (маҳаллий, минтақавий, республика) монополлашуви олдини олувчи механизм яратилиши электрон ОАВ ҳуқуқий майдони шаклланишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида аввало: теле ва радиоэфиримизни умумдемократик меъёрларга яқинлаштиради, иккинчидан, рақобат муҳитини вужудга келтириб, дастурлар сифат ва мазмунини оширади, учинчидан эса, биз чиндан ҳам хилма-хил медиа-каналлар вужудга келганининг гувоҳи бўлиб, улар ичидан танлаш имкониятига эга бўламиз.

Турли манбалардан хилма-хил маълумот олиш истаги истеъмолчининг психологик фазилатларидан биридир. Шу ўринда ОАВнинг ўхшашлиги, бир хиллиги (фақат электрон эмас, балки босма нашрларнинг ҳам) - томошабин ва муштарийларнинг сезиларли тарзда ўзгарган дид-эҳтиёжларини қондиришда асосий тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Бугунги ОАВ, бизнингча, мамлакатимиздаги зиёлилар, тадбиркорлар ва бошқарувда банд бўлган маъмурий қатламни, яъни ижтимоий тараққиётни таъминлаб берувчилар талабларини қондира олмаяпти. Миллий элитанинг миллий ОАВдан бегоналашуви кейинчалик тузатиб бўлмайдиган ва жамиятнинг заковатли, энг муҳими руҳий ва маънавий аҳволидаги ўта дарднчил ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Ижодий жамоалар билан ОАВ таъсирчиси, соҳиби ва ноширлари ўртасидаги ишлаб-чиқариш, мулкий ва молиявий муносабатларнинг ҳуқуқий меъёрланишини ҳам такомиллаштириш вақти келди. "ОАВнинг иқтисодий фаолияти асослари тўғрисидаги" Қонун бу масалалар ечимини аниқлабгина қолмай, нашрлар иқтисодий алоқаларининг шаффофлигини ҳам таъминлайди. Бу эса жиноий тузилмалар томонидан матбуотдан жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиш ниятида фойдаланиш имкониятининг олдини олар эди. Яқин келажакда, биз, ОАВ телекоммуникация тармоқлари орқали тарқалишининг қонуний меъёрларини аниқлаш зарурлигига дуч келамиз. Чунки, биз хоҳлаймизми, йўқми "Интернет" ҳам ички медиа-бозоримизнинг муносиб субъектига айланиб бормоқда. Янги қонунлар ишлаб чиқилиши билан, аввалгиларини такомиллаштиришга эҳтиёж ҳам кучайиб бориши мумкин. Бу табиий ҳол.

Маълумки, қонунлар ҳам борлиқдаги барча нарсалар каби эскиради. Зарур ўзгартишлар киритишга доимий равишда ўзгариб бораётган, бир жойда турмаётган ҳаётнинг ўзи ундайди. Бироқ, матбуот эркинлиги тамоийли ҳеч қандай шароитда қайта қурилиши ёки ўзгартирилаши мумкин эмас. Зеро ***"матбуот эркинлиги инсон ҳуқуқларининг пойдевори ва бошқа эркинликлар камида матбуот эркинлиги узлуксиз тартибда ривожланиб келган.***

Европа хусусида сўз кетганда эса ана шундай хулосага келиш қийин. Чунки, худди ана шундай (икки асрдан бироз кўпроқ) тарихий давр мобайнида мазкур қитъа талай ижтимоий-сиёсий тажрибалар учун ўзига хос майдон вазифасини ўтади. Бу эса, албатта, матбуот эркинлигининг шаклланишига ўз таъсирини ўтказди. Шунинг учун ҳам мақоламизнинг бош мавзуси бўлган тушунча кўпгина ривожланган мамлакатларда ҳам баркамолликдан йироқ даражада бўлиб қолмоқда. "Нима мумкин ва нима мумкин эмас" атрофидаги баҳс-мунозаралар у ерда ҳам дамодам авж олиб кетади.

Америкадан фарқли ўлароқ, Европа XIX аср монархиялари ва XX аср тоталитар тузумларига қарши бир неча ўн йиллик курашлар давомидаги феодал ва маъмурий тўғаноқлардан ўтибгина ОАВнинг ҳозирги ҳолатига етишди. Ҳеч нарса тез бўлгани ва осон қўлга киритилгани йўқ. Ҳозир ҳам барча нарса кўнгилдагидек эмас. Чунки, ривожланган демократик давлатларда ҳам "сўз эркинлиги" ва "матбуот эркинлиги" тушунчалари таъриф этилиш тафовутлари талайгина. Бироқ шунда ҳам, мазкур тушунчалар асл моҳиятини белгилаб берувчи умумий мезон сифатида журналист ва ёзувчиларнинг тазйиқ ва назоратдан эркинлиги, масс-медиа соҳасидаги алоҳида компаниялар ва ижодий жамоалар эркинлиги, рўзнома, радиостанция ва телеканалларнинг сиқувга олиниши ва асоссиз ёпилишидан эркинлиги назарда тутилади.

Бунда хусусий, нодавлат, мустақил ОАВнинг сони улар эркинлигининг асосли кўрсаткичи бўла олмайди. Чунки мустақил нашрлар борлиги нодавлат ОАВ мавжудлигининг исботи эмас, балки унинг фақат дастлабки белгиси бўла олади, холос (масалан, КотдИвуар ёки Свазилендда Норвегия ёки Данияга нисбатан хусусий радиостанциялар кўпроқ бўлиши ҳам мумкин). ***"Эркинликсиз матбуот бўлмайди. Эркин матбуотсиз эркинлик йўқ. Эркин матбуот ҳуқуқи демократия концепцияси билан чамбарчас боғлиқдир" (Томас Соуто Корреа, Халкаро матбуот федерацияси раиси).***

Ўзбекистонда мустақил оммавий ахборот воситалари бозори эндигина вужудга келмоқда. Ўзини мустақил деб номлаётган дастлабки босма нашр ва радиостанциялар кўпинча тижорий, реклама-кўнгилочар хусусиятга эга. Бироқ, улар, аста-секинлик билан қиёфалари ўзгарган ҳолда, барибир мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг таркибий қисмига айланадилар. Чунки, бундан давлат ҳам, жамият ҳам, қолаверса, фуқаролар ҳам манфаатдордир.

Раҳимжон МАҲКАМОВ,
журналист

Мумкин

"МУМКИНМАС"

Айрим бюрократлар ўқимасин

Этса агар "мумкинмас" сўзин
Тасарруфин виждонли одам,
Ўзгани-ю ҳамда ўз-ўзин,
Асрар эди қанча хатодан.
Аҳли башар ўз чегарасин,
Билиб турар шу сўзга қараб.
Не амал, не иш бошламасин
Келар ундан эҳтиром, шараф.
... Қай замонга тушмасин кўзим,
Қай асрга солмайин кулоқ.
Кўрдим, афсус, "мумкинмас" сўзин
Нокасларнинг ҳукмида кўпроқ.
Филни ютса думин кўрсатмас,
Нафс амрига қоим тўралар.
"Мумкинмас"га етолсалар бас,
Ясайдилар ундан ўралар.
Не-не яхши нияту орзу,
Меҳнатларинг қайга ҳам борар,
Эзгуликнинг кушандаси шу —
Ўра барин ютиб юборар.
Қурадилар ундан ё девор,
Босадилар тиконли симни.
Бўлма яхши кундан умидвор —
Ўткизмаслар у томон сени.
Гоҳ қаршингдан "мумкинмас" чиқар,
Арзу додинг кимга айтасан.
Юрагингни оғриқ ғижимлар,
Пешонанг ёрилиб қайтасан.
Қанча истак, режа, "идея"
Тилакларда қолиб кетади.
"Мумкинмас"лар ўткизмас дея,
Юракларда қолиб кетади.
Гар шуларга қолса замонанг,
Кунинг қолса бундоқ тўрага,
Бир "мумкинмас" ёрар пешонанг,
Бошқа бири тортар ўрага.
Асли булар тўрамас, гадо,
Тамойилмас тутгани — кўпик.
Уч-тўрт танга бер, бўлар пайдо
Ўра узра муҳташам кўприк.
Топар экан беорни беор,
Е захрингга, деб узатаркан,
Униси, гар бетондур девор,
Тешик очиб йўл кўрсатаркан.
Қани шукр, тўйишни билса,
Булар ахир кимдур, алҳазар!
Ким йирикроқ нарса келтирса
Тешик очиб бераверсалар!
Биродарлар, кўнглимда зинҳор
Кимсага йўқ гидир, адоват.
Бироқ бунда бўлмоғи даркор
Зарра бўлсин ҳаққу адолат.
Ким бир умр бетиним заҳмат,
Машаққат-ла ўтар-у, ё раб,
Насибасин унинг бадният
"Мумкинмас"лар ташлаган ўраб.
Бошқа биров туғила солиб
"Мумкин"ларнинг юртида яшар,
Тушмаган-у майдонга - ғолиб,
Кирмаган-у жангга — музаффар!
Ажратмас қай "мумкин" - ҳалолдир,
Гуноҳ қайси билмайди нокас.
Бу "Мумкин"ни яратган бордир,
Унга ҳам кўй, десанг тушунмас.
Кучар эди эзгулик зафар
Шу тамойил бўлса муқаддас:
Ҳалолники бўлса "мумкин"лар,
Ёмонликни тўсса "мумкинмас".

Лутфулло МАҲМУД



Матбуот

"БОЙСУН ОВОЗИ"ДАН ЎРГАНСА АРЗИЙДИ

Матбуот саҳифаларида "туман газеталари керакми?" деган савол тез-тез пайдо бўлиб турган бир пайтда олис Бойсундаги "Бойсун овози" газетаси таҳририяти ходимлари туман газеталарини нафақат сақлаб қолиш, балки унинг мавқеини кўтариш мумкинлигини аллақачон иш тажрибаларида синаб улгурдилар.

Бугун-эрта бойсунликлар севимли газеталарининг тўйини нишонлаш тараддудидалар. Шукур Холмирзаев, Эркин Аъзам, Усмон Азим каби ўзбекнинг бугунги забардаст ижодкорлари, Олим Тошбоев, Зокир Худойшукуров каби ўнлаб иқтидорли ёш олим ва шоирлар, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, кекса журналист Очил Пардаев, ёзувчи Исмат Норбоев, шунингдек, ҳамдўстлик мамлакатларида ижод қилиб келаётган юзлаб олимлару адиблар, журналистлар илк ижодий қадамларини худди шу таҳририятдан бошлаганларини ҳали-ҳануз илиқлик билан эслайдилар.

Иқтидорли журналист Хайрулла Султонов муҳаррирлик қилаётган газета ижодий жамоаси таҳририят фаолиятини жонлантириш аввало иқтисодий омилларга боғлиқ эканлиги хусусида бир фикрга тўхталгач, ишни газета обунасини яхшилашдан бошлади. Амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, ўтган ҳамда жорий йиллардаги обуна мавсуми жуда уюшқоқлик билан ташкиллаштирилди. Натижада обуна эвазига таҳририят ҳисоб рақамига тушган маблағ нафақат қоғоз ва босмахона харажатлари, балки шарт-шароитларни ўнглаб олиш учун ҳам бемалол етадиган бўлди. Эндиликда ижодий ходимлар ойлик маош ҳамда қалам ҳақини ҳам оширилган миқдорда оляптилар.

Ўтган йилдан бошлаб газетанинг байрам сонларини рангли чоп этиш йўлга қўйилди. Тўғри, ҳозирча бу мураккаб иш Тошкентда амалга оширилаётгани боис бир оз қимматга тушаётган бўлиши мумкин. Аммо газетанинг айнан худди шу сонлари қўлма-қўл бўлиб келаётганини эътиборга олсак, газетхонни жалб қилишнинг ушбу усули барибир ўзини оқлаётган кўринади. Йил бошиданоқ ижодий ходимларга янада яхшироқ шароит яратиш мақсадида компьютер маркази ташкил этишга киришилган эди. Яқинда ана шу ният амалга ошди. Таҳририят ҳомийлар ёрдамисиз қарийб уч миллион сўмлик компьютер жиҳозлари харид қилди.

— Туман босмахоналаридаги бугунги ночор аҳвол газета сифатини давр талаби андозаларига мослаб чиқаришга имкон бермай турибди, — дейди муҳаррир Х.Султонов. — Яқин икки-уч йил орасида ҳозирги босмахона шароитида умуман газета чоп этишнинг имкони бўлмай қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам келгусида ҳомийлар кўмаги ёки банк тизими орқали кредит олиб замонавий кичик босмахона харид қилиш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Албатта, бу ҳали ният холос. Уни амалга оширмоқ учун анчагина тер тўкишга тўғри келади.

Даврон ОРИПОВ,
"Ҳуррият"нинг махсус мухбири

Фаолият

Бозор иқтисоди даврида кўп оғирликлар маблағнинг "зиммаси"га тушади. Бундай оғирликларни мумкин қадар енгиллаштиришни турли соҳаларга дахлдор жамоат ташкилотлари ўз зиммасига олаётгани сир эмас. Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ижрочи директори Абдуманноб Абдусатторов жамғарманинг "тўртинчи ҳокимият"га кўрсатаётган кўмаклари ҳақида сўз юритади.

"ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ" МАДАДКОРИ

Жамғармамиз Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори асосида ташкил топганига 5 йилдан ошдики, мазкур қарор нечоғли тўғри ва оқилона бўлганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Жамғарма ўз номи билан Республика ОАВни демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, матбуотнинг эркинлашиши ҳам муайян маънода молиявий шарт-шароитга боғлиқ. Оммавий ахборот воситалари жамғарма ташкил топган вақтдагидан икки баравар кўпайди. Демак, журналистларнинг сони ҳам бир неча баравар ортгани муқаррар. Шундай экан, муаммо қанчага кўпайгани мантиқан кўриниб турган ҳол.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Оммавий ахборот воситалари кўпайгани сайин жамғарманинг имкониятлари қанчалик ортди ёки ортмоқда?

Бу саволга атрофлича жавоб беришга тўғри келади.

Аввало, жамғармада оммавий ахборот воситаларига, жамоаларга, якка журналистларга моддий кўмак бериш тизими яратилди. Эҳтимол, жамғарма таҳририятлар моддий-техника базасини яратиб беришни тўла зиммасига ололмас, лекин ўз номи билан қўллаб-қувватлаш учун барча чораларни кўрмоқда. Моддий ёрдам мақсадида фалон сўм сўраладию, жамғарма кўчириб беради вассалом, деган тушунчани маҳкам тутиб юрганлар учрайди баъзан. Ваҳоланки, бундай эмас. Моддий ёрдам кўрсатишнинг тури кўп.

Дейлик, жамғарма йил мобайнида "Атиргул", "Наврўз — боқий байрам", "Йилнинг энг яхши журналисти", бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда "Истиқлол тонги", "Энг улуғ, энг азиз", "Ҳуқуқ ва бурч" танловларини ва журналистлар ўртасида шахмат мусобақасини ўтказди. Ушбу танлов ғолиблари ва совриндорларни тақдирлаш учун 2130520 сўм сарфланди. Биргина "Офарин" танлови учун жамғарма 1 миллион сўм ажратди. Муассислигимиздаги "Ҳуррият" газетаси ҳануз моддий мададга муҳтож. Унинг қоғоз таъминотини, қисман бошқа харажатларини ҳозирча ташлаб кўя олмаймиз. Ёки бўлмаса, "Ўзбекистон матбуоти" журналини кўрайлик. Давлат матбуот қўмитаси, Телерадиокомпания қатори жамғарма ҳаммуассис сифатида журналнинг йиллик харажатлари учун 1 миллион сўмдан ёрдам берди. Бу йилги харажатлар ундан-да кўпайди. Давлат Матбуот қўмитаси тизимидаги босмахоналар журнални ҳомийлик асосида чоп этишяптики, бусиз журналнинг аҳволи анчагина оғирлашиб қолган бўлур эди. Кези келганда, Ижарадаги Тошкент полиграфия комбинати (директори М.Ғоипов), Тошкент Биринчи босмахонаси (А.Мажидхўжаев), Тошкент рангли босмахона фабрикаи (Р.Ҳакимов), Янгийўл китоб фабрикаси (Т.Исабоев) Тошкент китоб журнал фабрикаси (А.Рихсиев), Ўзбек-Британия "РАСТР" қўшма корхонаси (А.Шоалимов) жамоасига беминнат кўмаклари учун миннатдорлик билдиришимиз зарур.

Яна бир янгилик: Республикамиз матбуотчиларининг, кўп сонли журналистларининг бирдан-бир касбий журнали таҳририяти шу вақтгача машинкадан нари ўтмаганидан ҳаммаям хабардор бўлмаса керак?

Жамғарма "Ўзбекистон матбуоти"га компьютер техникаси хариди учун сал кам 1,5 миллион сўм ажратди.

Ҳаммуассислигимизда чиқаётган "Саодат", "Синфдош" журналлари моддий таъминот борасида ҳавас қилса арзигулик шароитга эга. Шунга қарамай, яхши кунларда жамғарма бу таҳририятларни ғунутмасликка ҳаракат қилмоқда. "Шарқ юлдузи"ни қўллаб-қувватлаш имкониятлари изланмоқда.

Жамғарманинг сермуаммо бўғини – вилоят бўлимлари. Ўз "арава"сини эплаштириб турган вилоят бўлимлари ҳам кейинги йилларда оқсаб қолишмоқда. Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм вилоят ҳамда Тошкент шаҳар бўлимлари моддий таъминот борасида нисбатан мўътадил. Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Наманган, Сирдарё, Қашқадарё, Жиззах, Андижон вилоят бўлимлари, шунингдек Тошкент шаҳар бўлими моддий-техника базасини мустаҳкамлаши учун бир миллион икки юз минг сўм сарфланди.

Худди шундай ёрдам Қорақалпоғистон Республикаси бўлими учун ҳам ажратилди. Лекин, тан олишга мажбурмизки, қўлда берганга қуш тўймас. Назаримизда, бевосита бўлим мутасаддиларининг, қолаверса, маҳаллий ҳомийлик ёрдамлари йўлга қўйилмагунига қадар бу борада олга силжишга эришиш мураккаблигича қолаверади.

Жамғарма қошида фаолият юритаётган шўъба корхоналарининг аҳволи ҳам бирдек эмас. Мисол тариқасида озми-кўпми фаолият кўрсатиб жамғарма ҳисобига ўз фойдасидан маблағ ўтказаётган "МДФ Ҳаёт", "Ҳилолнури", "Журналист" ижодий ишлаб чиқариш маркази, "Ташки-Савдо" каби шўъба корхоналарини келтириш мумкин. Маълум бир сабабларга кўра, "МДФ-Барака", "Мадеф-Савдо", "МДФ Диёр", "МДФ Бунёдкор" шўъба корхоналари бозор иқтисодиёти қонуниятларига кўра ўз фаолиятларини тўхтатдилар.

Жамғарма якка тартибда мурожаат этувчи ҳамкасблар аризаларини ҳам эътиборсиз қолдирмайди. Шу мақсадга ўтган йили 1.335955 сўм ажратилди. Юбилейлар, фахрий ва бемор журналистларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга бепул обуна ташкил этиш учун 5.369038 сўм маблағ сарфланди. Касб байрами куни ҳамкасбларимизнинг 400 нафардан ортиқ ўғил-қизлари истироҳат боғига бепул таклиф этилди. Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон тиллари университети ва Санъат институти журналистика факультетларида таҳсил олаётган матбуотда фаол иштирок этаётган талабаларни рағбатлантириш учун 100.000 сўм ажратилди.

Жамиятимизнинг, жумладан ОАВнинг эркинлашуви жамғармамиз олдига кун сайин кўпдан-кўп вазифа қўймоқда. Ой сайин кўпайиб бораётган нашрлар, демак, журналистлар "жамғарма бизга нима беряпти?" деб савол беришга ҳақли. Уларга юқорида зикр этилган маълумотларни ҳисобот тариқасида ҳавола қилар эканмиз, кўрсатаётган ёрдамларимиздан қониқадиларми?

Албатта йўқ! Замон буткул ўзгармоқда. Эндиликда матбуот компьютер ва интернет воситаларисиз фаолият юрита олмайди. Муҳтарам Юртбошимиз ОАВ олдига қўяётган талабларга жавоб бера билиш учун ҳам иш ва меҳнат шароитлари ҳозиргидан анчагина яхшиланиши керак. Кадрлар малакасини ошириш, бўлажак журналистларнинг профессионаллашув жараёнини жадаллаштириш борасида кўплаб тадбирлар ишлаб чиқилиши ва ҳаётга татбиқ этилиши, журналистларимизнинг дунё ОАВ етук намоёндалари билан ҳамкорлиги йўлга қўйилиши даркор.

Катта мақсадларга эса тинимсиз меҳнат, изланиш ва кучғайратни тўла сафарбар этиш билангина эришиш мумкин.

Мулоқот

Санъат остонасига умид билан қадам қўйган инсон борки, халққа манзур бўладиган куй-қўшиқ ижро этсам, дейди. Элга ёқадиган қўшиқларни куйлаганларгина халқнинг кўнглидан жой топади, унинг эътибор-ишончига сазовор бўлади. Бугун республикамизда санъаткорлар сонининг кўпайиб бораётгани яхши ҳол, бироқ нимагадир енгил-елпи хиргойи қиладиганлар кўпайиб бораётгани диди юксак тингловчини зериктириб қўймоқда.

Юртимизда халқ севган ва ардоқлаган санъаткорлар жуда ҳам кўп. Бугун биз ана шундай санъаткорлардан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган хонанда Сафия Сафтарова билан қўшиқчилик ҳақида суҳбатлашдик.

"Ёшлар ҳам муножотни куйласа дейман"

— Сафияхон, саҳнадаги илк айтган қўшиғингиз эсингиздами?

— 7 ёшимдан буён қўшиқ айтаман. Мактабда ўқиб юрган кезларимда "Бадиий ҳаваскорлар тўгараги"га қатнашиб, қўшиқ танловларида иштирок этардим.

Катта саҳнада биринчи марта 1987 йилда Комилжон Отаниёзовнинг "Кел, ёр, ўйланма" қўшиғини айтгандим. Ўша пайтдаги ҳаяжонимни эсласам, кўнглим янада ёришиб кетади. Бу санани ҳеч қачон унутолмасам керак.

— Репертуарингиз мумтоз қўшиқларга ҳам бойлигига эътибор қиладиган бўлсак, мумтоз санъатимизга нисбаттан меҳрингиз бўлакча эканини сезиш қийин эмас...

— Мумтоз қўшиқ ижро этмаган хонандани санъаткор деб айта олмайман. "Қаро кўзим", "Муножот", "Куйгай", "Сафти муножот", "Айлагач", "Отмагай тонг", "Қоши ёсинму дейин" каби ўнлаб мумтоз қўшиқларни айтганман, ҳозир ҳам севиб ижро этаман. Ёшларимиз ҳам "Муножот"ни куйлашларини истардим.

— Сиз кўпмиллатли Самарқанд шаҳрида яшаб, ижод қиляпсиз. Репертуарингизда қардош халқ қўшиқлари ҳам ўрин олганми?

— Албатта, эрон, тожик, афғон, турк, озарбайжон, араб, ҳинд, арман, грек ва рус тилларида айтган қўшиқларим ҳам бор.

— Қўшиқ яратаётганингизда ўз шеърларингиздан ҳам фойдаланасизми?

— Мен шоира эмасман, ҳар ким эплаган ишини қилиши лозим деб ўйлайман. Қўшиқларим матнининг муаллифларига келадиган бўлсак, уларнинг аксарияти Камол Раҳмон, Йўлдош Суюн, Ҳ.Яхёев, А.Кўчимов, О.Ҳожиева, А.Кутбиддин, Ш.Салимова, Гулноз, Ш.Аҳророва каби шоир ва шоираларнинг қаламларига мансуб. Мен кўпроқ юқорида номлари зикр этилган шоирларнинг шеърларидан фойдаланиб қўшиқ ёзаман.

— Ёш санъаткорларга муносабатингиз?

— Биласизми, (кулади) мана сиз мухбирсиз, бироз бўлса-да санъатни тушунар экансизки, кўпгина санъаткорларнинг чиқишларига эътироз билдиряпсиз. Тўғриси, баъзи пайтларда сиз айтган "санъаткорлар" билан саҳнага чиқиб қўшиқ айтишга уяламан. Менинг назаримда Оғабек Собиров, Севара Назархон, Умида Мирҳамидова, Жаҳонгир Отажоновлар секин-аста томошабинлар кўнглидан жой топмоқдалар. Озоданинг ҳам айрим қўшиқлари ёқади.

Масалан, Лариса Москалёвани ҳақиқий ўзбек санъаткори дегим келади. Сўзлари дона-дона, ўзбек халқ қўшиқларини севиб ижро этади, айниқса, у кийиб чиққан миллий кийимларимизни кўриб, очиғи ўзимнинг ҳавасим келади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, айрим ўзбек хонандалари Ларисадан ўрнак олса арзийди.

— Чет эл сафарида бўлганмисиз?

— Йўқ.

— Нима учун?

— Чет эл сафарига йўлланма бериш вилоятимизгача етиб келгани йўқ. Менинг фикримча, бунинг учун пойтахтда яшаб ижод қилиш керакка ўхшайди...

— Шогирдларингиз борми? Агар бўлса, улар ҳақида нималар дея оласиз?

— Азиза Бобомуродова, Шаҳло Турсунова, Нилуфар Мўминова, Шаҳноза Мамадалиева каби шогирдларим бор. Улардан умидим катта. Қолаверса, вақт — энг одил ҳакам. Уларнинг халқимиз кўнглидан қанчалик жой олишларини вақтнинг ўзи кўрсатади.

—"Даракчи" газетасида кўплаб хонандалар билан суҳбатлар қурилади. Негадир улар орасида Сафия Сафтарова кўринмайди?

—"Даракчи"ни умуман ўқимайман. Сабаби у жиддий газета эмас...

— "Ҳуррият" ўқувчиларига тилакларингиз?

— Тилагим "Ҳуррият" мухлислари ҳамиша омон бўлсинлар. Уларни ҳеч қачон ақл ва фаросат тарк этмасин.

Суҳбатни "Ҳуррият" мухбири Убайдулло ХЎЖАНИЁЗОВ ёзиб олди.

Ҳамкасбимиз
Ибодатхон ҚЎЗИЕВА!
Таваллуд айёмингиз қутлуғ бўлсин. Ўзбек қизларига хос одоб, андиша, ҳаё, меҳнатсеварлик, тўғрисўзлик, дўстга садоқат, меҳрибонлик каби фазилатларингиз билан жамоамизда муносиб ўрин, ҳурматга эгасиз. Ана шу фазилатлар сизни тарк этмасин.
Сизга метин соғлик, бахт тилаб
"HURRIYAT"чилар.

Дакки

Афғонистон муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай жониворларни ҳимоя қилиш жамияти аъзоларининг қаттиқ танқидига учрамоқда. Улар Карзай севиб кийиб юрадиган қоракўл шапкаси қўйларни ваҳшийларча ўлдириш рамзидир дейишмоқда.

Ҳиндистондаги "Инсонлар ҳавонлар учун" жамияти раисаси, Ҳиндистон Ижтимоий Адолат вазири Манека Ганди "Қоракўл қўйларга ғоят азоб бериш йўли билан олинади", деган.

Афғонистонда минтақадаги бошқа давлатлар қатори йилига миллионлаб қоракўл етиштирилади ва хорижга экспорт қилинади.



Карзайнинг бош кийими

ёхуд сиёсатда ҳамма нарса муҳим

Ҳамид Карзайга келсак, у ўз либосларини Афғонистондаги турфа маданиятлар омухтаси рамзи сифатида танлаган. У пуштунларга хос узун кўйлак ва шим, ўзбек ва тожиклардек чопон, панжшер тоғликларидек шапка кийишни одат қилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Карзайнинг либослари юксак дидли ва қабилалараро космополитизмни ифодалагани учун танқидчиларнинг олий мақтовларига сазовор бўлан эди. Ҳатто Gucci модалар уйи дизайнери Том Форд бир гал афғон раҳбарини "дунёдаги энг нозик дид билан кийинадиган инсон" деб атаган эди.

Аммо, сиёсатда муҳим бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ, деган гап рост экан. Балки Карзай ҳам айрим сиёсатчилардек ўз шапкасидан кечишига тўғри келар. Масалан, Ҳиндистоннинг собиқ Бош вазири Вишванат Пратап Сингх дастлаб қоракўл шапка кийиб юрарди. 1989-90 йилларда унинг маҳкамасида Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазири бўлган Манека Ганди ундан бу шапкани киймасликни сўради. "Мен бу шапканинг қандай тайёрланишидан мутлақо бехабар эканман, - дейди у. – Менга бу ҳақда маълум қилишганидан сўнг сунъий жундан қилинган шапка кия бошладим. Уни ҳозир ҳам кийиб юраман".

Ана шунақа гаплар! Президентлар, юксак мансаб эгалари имижмейкеру, костюмерларни бекорга дўст тутишмайди. Зеро "сиёсатда ҳамма нарса муҳим!"

Мутолаа

"БЕГОНА"НИ ЎҚИБ...

Тақдирдошим — профессор Иброҳим Каримнинг ҳаёти, кўрган-кечирган мусибатлари, тортган азоб-укубатлари менинг болалик, ўсмирлик ҳаётимнинг ўзгинасидир.

Иброҳим Карим мендан икки ёш кичик бўлиб, 1931 йилда бир ёшлик гўдаклигида ота-онаси билан Украинага қулоқ сифатида сургун қилинган экан. Улар Херсон вилоятининг Скадовск туманидаги 2-пахтачилик совхозида яшашган. Иккаламиз ҳам уруш арафасида, яъни 1941 йилда, 4-синфни аъло баҳолар билан битирган эканмиз...

Китобда олим ўзининг ва яқин оила аъзоларининг аянчли, ўкинчли ҳаётини таъкидлаш билан бирга, ўша манфур тузум раҳнамолари-ю югурдакларининг, порахўрлари-ю таъмагирларининг башарасини, қиёфасини адабий бўёқларсиз, очиқ-ойдин тасвирлаб, уларни фош этган.

Мен Иброҳим Карим билан қарийб 15 йил ёнма-ён яшаб, ўша давр азоб-укубатларини биргаликда тортганман, шу боис, китобни зўр қизиқиш билан ўқиб, болалигимни эслаб, кўзларимдан ёшлар оқди. Китобни бошдан-охиригача ҳаяжонланиб, қаҳрамонлар тақдири нима билан тугашини сабрсизлик билан кутиб, ўқиб чиқдим.

Китоб фалсафий мушоҳадаларга бой бўлиб, жуда қизиқарли, таъсирчан руҳда ёзилган. Китобхон унинг асосий қаҳрамонлари бошига тушган кўргуликларни, мусибатларни англаб, уларга чин юракдан ачиниб, уларни таъқиб этган, камситган кимсаларга лаънатлар айтади.

Бу китоб, биз — тақдирдошлар учун ҳаёт китоби бўлиб қолади, деб ўйлайман. Китобга "Бегона" деб ном берилишида ҳам чуқур маъно бор. Чунки биз тақдирдошлар собиқ коммунистик тоталитар тузумга бегона, ўгай эдик, ишончсиз, "хавфли" кишилар эдик.

Китобнинг давомини ўқишни ҳам Оллоҳи таоло бизга насиб этсин.

Мен журналист ҳам, ёзувчи ёки тақризчи ҳам эмасман. Оддий китобхон, бунинг устига, қатағон қурбони сифатида китоб ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларимни ёздим.

Олим ва ёзувчи тақдирдошимга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, ижодий ишларида омадлар тилаб

Собир МЎМИНОВ

Ён дафтар

ТИНИБ-ТИНЧИМАС ҲАМКАСБЛАР

СОДДАЛИК

Ўткир Ҳошимов "Тошкент оқшоми"да ишлаб юрганида эрталаб дўсти Тўлқин Расуловнинг олдига кириб дебди:

— Тўлқин ака, бугун кўнглим жуда хира, қўлим ишга бормаяпти.

— Нима бўлди?

— Кечаси ёмон туш кўрдим. Ишқилиб тинчлик бўлсин-да.

— Ёмон тушни сувга айтиш керак. Туришингиз билан Қонқуснинг бўйига бориб гапириб ташламадингизми?

— Шундай қилиш хаёлимга келмабди.

— Ҳечқиси йўқ, бошқа йўли ҳам бор. Ҳали тушликка борганимизда гадой учраб қолса, садақа бериб юборасиз. Садақа балони ейди... Худо хоҳласа ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

Пешинда ҳамкасблар Ўткир Ҳошимов, Тўлқин Расулов, Абдусамад Обидхўжаев Анҳор бўйидаги ошхонага кетишаётганда, Тўлқин ака йўл чеккасида ўтирган гадойни узоқдан кўриб:

— Ўткир, садақани тайёрланг, - дебдилар.

— Қанча садақа қилишим керак?

— Етти танга, — дебди Абдусамад ака.

— Ортиқ-ками бўлмайдими?

— Бўлмайди. Етти хосиятли рақамлигини билмайсизми?..

— Йўқ.

— Билмасангиз, билиб олинг. Марҳумни ҳам еттиси куни хотирлашади. Тобутни елкага олганда ҳам камида етти қадам қўйиш керак. Олис манзилларга кетаётган карвонлар ҳам "Етти қароқчи" юлдузига қараб йўл юришган. Ўрисларнинг "семья" сўзи ҳам "етти мен" дегани бўлади.

— Етти тангам йўқ эди-ку.

— Қанча пулингиз бор ўзи?

— Иккита бир сўмлигим, битта беш сўмлигим бор.

— Ундай бўлса, йўли осон экан. Икки сўмингизни берингда, қайтимини сўранг. Тушунган гадой бўлса, дарров қайтаради.

Ўткир гадойга яқинлашгач, қуюқ саломлашибди-да, олдига чўнқайибди:

— Ота, мен сизга етти танга садақа бермоқчиман. Лекин етти тангам йўқ, икки сўмим бор. Шу пулимни олинг-да, менга уч танга қайтим беринг.

Гадой Ўткирнинг айтганини қилибди. Кейин қўлларини очиб уни дуо қилибди.

Шу-шу Тўлқин ака давраларда Ўткирнинг кўзини очирмай қўйди. Баъзан ишдан кейин улфатчилик учун уч сўм-уч сўмдан йиққанимизда Тўлқин акадан пул чиқиши қийин бўларди. Шунда Ўткирнинг тажанглиги тутиб:

— Ҳах, Тўлқин ака-я, тош-метинсиз-да. Берсангиз-чи, ата-ганингизни Маматурсинга. Магазинлар ёпилиб қолмай олиб келсин зормандани, дерди.

— Менинг пишиқлигим сизчалик эмас, - дерди Тўлқин ака бўш келмай. – Сиз гадойдан қайтим олган одамсиз. Сиз ҳақингизда йиққан фактларим бир папка бўлди. Ўлмасам, "Ўткир ишканба" деган қисса ёзаман ҳали.

— Тунов куни Ўткирнинг бир қўшнисини кўрдим, - деб ҳазилини давом эттирди Тўлқин ака. – У ғалати гапни айтиб қолди. Бир кун Ўткир алламаҳалда уйига қайтибди-да, берк дарвозасини тақиллатиш ўрнига силай бошлабди. Қўшниси бундан ҳайрон бўлиб:

— Ўткиржон, нега дарвозани тақиллатиш ўрнига силаяпсиз? – деб сўрабди.

— Тақиллатишга кўзим қиймаяпти, - дермиш Ўткир.

— Нимасини кўзингиз қиймайди?

— Ҳалқасининг ўрни ейилиши мумкин, дарвоза пулга келган, ака.

"ҚЎЙИНГИЗ ГАПИРЯПТИ"

Бир куни Адҳам Ҳамдамнинг ҳузурига колхозда раис бўлиб ишлайдиган дўсти келиб, райком котибидан шикоят қилибди:

— Ҳеч ишлагани қўймаяпти, фақат тирноқ орасидан кир қидиради. Ҳар йиғилишда мени дўппослагани дўппослаган. Газетага ёзиб, таъзирини беришнинг иложи йўқми бу ярамасни, Адҳамжон.

— Иложи йўқ, унинг илдизи бақувват. Муҳаррирларни ҳам ишдан олдириб юборишга қурби етади, - дебди Адҳам ака.

— Ундай бўлса нима қилсам экан-а?

— Келишолмай қолган бўлсангиз, раисликдан бўшаб қўя қолинг, бошқа тирикчилик қиларсиз.

— Ариза ёздим, бўшатмади-да.

— Нима дейди?

— Раҳбарликни чидаганга чиқарган, биродар, вақти келса биз одамларни танқид қиламиз, вақти келса мақтаб, кўкрагига орден ҳам тақиб қўямиз, йиртиб ташланг аризангизни, дейди. Шундан кейин дуруст одамга ўхшайди-ку, деб аризамни қайтариб олдим. Ёлғон бўлмасин, бир ой индамади. Кейин яна дўппослашни бошлади.

— Сизни бўшатишни хоҳламай, ҳадеб танқид қилаётган бўлса, унинг муддаоси аниқ. Менга у-бу чўзиб тур, дегани бўлади бу, - дебди Адҳам ака.

— Шундай қилсаммикан-а? Мени яна қаматиб қўймасмикан, сиёсатли одам кўринади-ку.

— Қўрқманг. Ёғочдан ясалган чиғириқ ҳам мойлаб турмасангиз "ғиқ-ғиқ" деб қолади.

Шундан кейин раис дўстининг айтганини қилиб, юк машинасига қуйруғи нақ бир пуд келадиган қўй, бир қоп гуруч, бир қоп ун, сабзи, пиёз ортиб, райком котибининг уйига жўнатиб юборибди.

Орадан ўн беш кун вақт ўтгач, вилоят миқёсида катта йиғин бўлибди. Бир маҳал райкомнинг биринчи котибига сўз берибди. У ўз маърузасида Адҳам аканинг дўсти раҳбарлик қилаётган хўжаликни мақтаб кетибди.

Раис ўз хўжалиги ҳақидаги мақтов гапларни эшитиб, йиғилишда қатнашаётган дўстига жилмайиб кўз қисибди. Адҳам ака раиснинг қулоғига секингина дебди:

— Дўстим, котиб эмас, берган қўйингиз гапиряпти.

Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ

(Боши ўтган сонларда. Давоми бор)

Ажабо!

СИГАРЕТ ҚОЛДИҒИ — ТАОММИ?

Ҳиндистонлик олтмиш ёшли Хайрунисо буви эллик йилдан буён сигарет қолдиғини еб кун кечиради. У айниқса маҳаллий **"Бииди"** сигаретасини хуш кўради. Унда тамаки қоғозга эмас, япроққа ўралган бўлиб, ип билан боғланган бўлади. У ҳар куни саҳарда сигарет қолдиқларини териш учун кўчаларда кезинади. Зеро фаррошлар келмасидан аввал тамаки қолдиқларини териб олишга улгуриш керак.

Докторлар Хайрунисодан бу одатни ташлашни сўрашяпти, Бироқ, ҳозирча фойдаси йўқ. Айтишларича, Хайрунисонинг отаси ўтакетган кашанда бўлган, у болаликдан отасидан қолган қолдиқларни чайнашни одат қилган.

Унинг иштаҳаси буткул ўлганига анча бўлган. Бир томондан яхши бўлди, на нонушта, на кечки овқат деб тараддуд кўриб ўтирмайман, дейди Хайрунисо. У овқатга фақат **"Бииди"** чайнайди холос.

Сўнгги вақтларда Хайрунисонинг қорни ўқтин-ўқтин оғриб қоляпти. Докторлар ҳозир уни яна одатдаги овқатларни ейишга одатланишни тавсия этишяпти. Қайсар кампир уларнинг таклифини қабул қиладими-йўқми, номаълум. Охири бахайр бўлсин. Аммо унинг антиқа одатига, албатта, кашанда отаси айбдорлиги аниқ. Ахир "ёмонга яқин юрсанг қароси юқар," дейди донишманд халқ... Ёмон одатнинг қароси шу эмасми?

Ақл ёшда эмас...



HURRIYAT Sport

ИШ ЁКИ ФУТБОЛ: ТАНЛАШГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

Япония ва Кореяда бўлиб ўтадиган Жаҳон кубоги баҳсларининг аксарияти Британияда тонг отганда бошланади. Шу боис футбол ишқибози бўлган ходимлар ё иш ёки футбол деган жумбоқнинг жавобини тезроқ ҳал қилишлари лозим эди. Гуруҳ баҳсларининг энг сўнггиси - Англия футболчиларининг Аргентина терма жамоаси билан 7 июндаги учрашувини британиялик хизматчилар тушлик пайти офисда кўришлари лозим.

Ўтказилган сўровлар натижаларига қараганда, қарийб 7 миллион ангилиялик жаҳон биринчилиги ўйинлари мавжуд кунлар ишга бормасликни, улардан ўндан бири эса "касал бўлиб қолиш"ни режалаштиришган. Бу Буюк Британия иқтисодиётига қарийб 400 миллион фунт зарар келтириш, деганидир.

Вазиятни чуқур ўрганган Британиянинг Саноат ва савдо ишлари бўйича вазири Патриция Хьюитт компаниялар раҳбарларига ўз хизматчиларининг жаҳон биринчилиги футбол ўйинларини кўришига монелик қилмасликларини тавсия этди. Унинг айтишича, футбол вақти компаниялар раҳбарларига маълум ноқулайликлар туғдиради. Аммо бунда муросага келинмаса, компаниялар ўйин кунлари ўз ходимларисиз қолишлари тайин.

Айни чоғда мутахассислар Англия командаси ютуққа эришса, ходимларнинг ғайрати, жумладан, жинсий қобилияти ҳам ортади, дейишмоқда.

Mustaqil gazeta HURRIYAT
Ўзингни англаб ет!

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир **Амирқул КАРИМОВ**

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ, Наим КАРИМОВ, Норали ОЧИЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Телефон: 144-25-06, 133-69-45.

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Собиржон ЁҚУБОВ
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 373

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.